Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 20 апрель, шанба • № 31 (10.806) • Эркин нархда сотилади

КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ!

Аввал хабар қилганимиздек, 12 апрель куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, республика ҳамда хориж журналистлари билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу учрашувда сўзлаган нутқи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган эди. Бугун эътиборингизга Ислом Каримовнинг журналистларнинг саволларига жавобларини ҳавола этамиз.

Моника Уитлокк, Би-Би-Си (Англия): Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия ўртасида тузилган шартнома кўпчилик учун мавҳум иборалардан иборат: уларда аниқ-равшан гаплар йўқ. Агар мумкин бўлса, ўзингиз тилга олган, давлатлардан устун турувчи тузилмалар тўғрисидаги маълумотларни қаердан билиб олганингизни сўзлаб берсангиз.

И.КАРИМОВ: Агар сиз мазкур ҳужжатлар билан синчиклаб танишганингизда (дарвоқе, улар ҳали ҳеч қаерда чоп қилинган эмас), саволингизга жавоб топган бўлардингиз.

Тўртлар шартномасининг 17- ва 24-моддаларида таъкидланганидек, давлатлардан устун турувчи тузилмалар, яна ҳам аниқроғи, Давлатлараро Кенгаш, Парламентлараро комитет ҳамда Интеграцион комитет тузиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжатларда олий ва ижроия органлари ўша Ҳамжамият таркибига кирувчи республикаларнинг ташкилотлари ва органлари бажариши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга экани таъкидланади.

Чамаси, сиз ўша ҳужжатларни имзолаш чоғида берилган баландпарвоз баёнотлар мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмагансиз.

Биз куни кеча Россия Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган бир ҳужжатни олдик. Унда ўша шартномаларнинг моҳияти изоҳланган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида мен ҳам мазкур ҳужжатларни имзолашга таклиф этилган эдим. Шунинг учун ҳам мен бу тайёрланган лойиҳаларнинг муайян моддалари билан батафсил танишиб чиқиш имконига эга бўлган эдим.

Менинг бундай хулосалар чиқаришимга асос берган манбалар ана шулардир.

Имтиёз ул-Ҳақ, "Навои вақт" газетаси (Покистон): Яқин вақт ичида Тошкент ёки Самарқандда Покистоннинг йирик тижорат банки очилишига умид боғлаш мумкинми? Ўзбекистон-Покистон савдо палатасини ташкил этиш имконияти борми?

И.КАРИМОВ: Ўзбекистонда қўшма корхоналар ва бошқа қўшма тузилмалар ташкил этиш бўйича қонунлар қабул қилинган. Бунинг учун қонуний асос яратилган. Покистон ҳам бу ерда ўша қонунлар асосида сиз айтаётган тузилмаларни ташкил этиши мумкин.

Ёқуб Турон, "Озодлик" радиоси: Марказий Осиёда жойлашган уч мамлакат - Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ягона иқтисодий макон тузиш юзасидан шартномага қўл қўйган эди. Қозоғистон ва Қирғизистон сиз эслатиб ўтган Тўртлар шартномасини имзолагандан сўнг бу икки мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқиш ниятингиз борми?

И.КАРИМОВ: Йўқ, бизнинг бундай ниятимиз йўқ. Шу жавоб билан ҳам чекланишим мумкин эди.

Лекин сизни ҳурмат қилган ҳолда бу масалага сал кенгроқ тўхталмоқчиман. Гап шундаки, ҳар бир раҳбар Марказий Осиё минтақасида мавжуд воқелик билан ҳисоблашишга мажбур. Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясини вужудга келтириш, ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисида гапирганда, аввало, бундан бир йил олдин имзоланган битимни эсга олиш керак.

Бундай интеграция ҳар бир давлатнинг манфаатларига мос келади. Бизни бирлашишга бир тарафдан халқларимиз, иккинчи тарафдан эса минтақа эҳтиёжи ундамоқда.

Менинг сизга маданий, тил ва маънавий илдизларимиз бирлиги, шу минтақада истиқомат қилаётган ҳар бир қозоқ, туркман, ўзбек, қирғиз ва тожикнинг руҳидаги бирлашишга бўлган интилиш тўғрисида гапириб ўтиришим шарт бўлмаса керак. Агар биз буни ҳисобга олмасак, тарих бизни кечирмайди.

Сиз тилга олаётган Тўртлар шартномасида унинг иштирокчиларига бошқа давлатлар билан мустақил равишда муносабат ўрнатиш ва шартномалар тузишга изн берадиган модда бор.

Муҳими, мен дўстим Нурсултон Назарбоевни Қозоғистоннинг ва бутун минтақамизнинг ватанпарвари деб биламан. Асқар Акаев тўғрисида ҳам шуни айтишим мумкин.

Булар барчаси бизнинг ҳамкорлигимиз учун шарт-шароит яратади.

Ю.Галимов, "Деловой мир" (Россия): Жаноб Президент, Сиз Россия ҳамон Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шериги бўлиб қолаётгани тўғрисида гапирдингиз. Бу икки мамлакатнинг кўплаб бизнесменларига ҳам тааллуқли. Бизнинг ўқувчиларимизни шундай савол қизиқтиради: зикр этилган тўрт давлатнинг ўзаро сиёсий ва иқтисодий яқинлашуви валюта бозори шаклланишига қандай таъсир кўрсатади? Мен МДҲ ҳудудида "юмшоқ" валюталарнинг курсини аниқлаш механизми, давлатлар ўртасидаги тўловлар механизмини назарда тутяпман.

И.КАРИМОВ: Менинг Тўртлар шартномаси қатнашчилари номидан гапириш ваколатим йўқ. Шунинг учун фақат ўз мулоҳазаларимни билдиришим мумкин. МДҲ доирасида имзоланган битимларда сиз сўраётган муаммоларни ҳал этишнинг анча мақбул йўллари кўзда тутилган. Булар сирасига божхоналар иттифоқи, тўловлар иттифоқи тўғрисида битимлар имзолаш ва ундан кейин валюта иттифоқи тўғрисидаги битим билан боғлиқ масалаларни ечиш кабиларни киритиш мумкин.

Бугун божхоналар иттифоқи унинг таркибига кирган мамлакатлар ўртасидаги тўсиқларни олиб ташлаш, товар айланмасини кескин кўпайтириш имконини берди, деб гапирилганда, ўз-ўзидан бир савол туғилади. Агар тўловлар ҳамда бунинг учун маърифий меъёрлар яратиш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаса, товар айланмасининг ўзи давлатларнинг маърифий муносабатларида ҳеч нарсани англатмайди. Энди айтингчи, қайси корхона, қайси савдо тузилмаси, ўзаро тўловлар таъминланмай туриб, бошқа мамлакатга товар юбориши мумкин? Ахир бугунги кунда Россия корхоналари ўртасидаги ўзаро қарзлар миқдори, Россиянинг ўз матбуоти хабарларига қараганда, ниҳоятда кўпайиб кетган. Афсуски, улар камаймаяпти. Мазкур принципиал масалани ҳал этмай туриб, қандай қилиб савдо айланмаси тўғрисида гапириш мумкин? Агар Россиянинг ўзида тўловлар масаласи ҳал этилмаса, қандай қилиб уларни давлатлар ўртасида ҳал этиш мумкин?

Валюта ва валюта курси тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу масалани ҳал этиш ўта муҳим, бундан кейинги барча муносабатларимиз шу билан бевосита боғлиқдир. Россия Давлат банки бошқарувчиси жаноб Дубинин яқинда Россия тез орада Халқаро валюта фонди билан валютани жорий ҳисоб-китоблар бўйича конвертация қилишга тегишли битимни имзолашга ва мазкур фонд Уставининг 8-бандига қўшилишга тайёр эканини билдирди. Демак, ҳозирча валюта эркин конвертация қилинмайди, бироқ жорий ҳисоб-китоблар конвертация этилади. Бу Россия рублининг катта ютуғидир.

Бизга маълум бўлишича, бугунги кунда Россиянинг олтин-валюта ресурслари, заҳираси 14 млрд. АҚШ долларини ташкил этади ва бу Россиянинг уч ойлик импортини таъминлаши мумкин. Бу миллий валютани конвертация қилишнинг асосий шартларидан биридир. Россия билан савдосотиқ қилишни истаётган ширкатларнинг аҳволи қалай, улар ҳам Россия билан тенг бўлишга тайёрми? Мендаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон собиқ совет республикалари ичида бу масалада Россия билан бир қаторда тура оладиган ягона мамлакатдир. Буни Халқаро валюта фонди ҳам тасдиқлайди.

Заҳираларимиз, жумладан, олтин-валюта заҳираларимиз билан импорт операцияларни уч ой эмас, олти ой ҳам кафолатлаш имкониятига эгамиз. Россия ўз рублини қандай кафолатлаган бўлса, миллий валютамизни биз ҳам барча мезонлар ва шартлар бўйича шундай кафолатлашга қодирмиз.

Бошқа давлатларга келсак, мен уларнинг ички имкониятларидан хабардор эмасман, шуни аниқ биламанки, том маънодаги савдо ва тўловни йўлга қўйиш учун барча ўша мезонларга интилиши, ўша шартларга сўзсиз амал қилиши керак.

Ш.Ганиева (РЖТ мухбири): Муҳтарам Президент, МДҲдаги вазият Россияда воқеаларнинг бундан кейин қандай кечиши билан боғлиқ, дедингиз. Башарти сайловларда коммунистларнинг қўли баланд келса, чуқур интеграциялашув шартномасига имзо

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар



БИРИНЧИ ЭЛЕКТРОВОЗ


«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг локомотив саройида электровозларни илк бор капитал таъмирлаш ишлари йўлга қўйилди.

Сарой ҳудуди бу ерда янгидан бунёд этилган цехлар ҳисобига анча кенгайди. Бу цехлар капитал таъмирлашнинг ҳамма талабларига жавоб беради. Деталлар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлайдиган зарур иш ўринлари ҳозирлаб қўйилди.

Янги цехлар ишга туширилиши билан баробар ишчи касбларини ўрганиш бўйича ёшларнинг ўқиши ҳам ташкил этилди. Натижада пойтахт вилоятимизда биринчи марта электр поездларни ўз ходимларимиз кучи билан созлаб, йўлга тушириш имкони туғилди.

СУРАТЛАРДА: капитал таъмирланган биринчи электр поезди йўлга чиқмоқда: электромашина цехи бригада бошлиғи Бахтиёр Улҳўжаев иш устида.

Равиль ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.



ФАҲРИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширияпти.

400 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, уларга моддий ёрдам, ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Тошкент тумани ҳокими қарор қабул қилди. Қарорга асосан 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб уруш қатнашчилари ва фахрийлар коммунал тўловлардан юз фоиз озод этилди.

Бу ташаббусдан руҳланган Ўртачирчиқ тумани Туябўғиз кўрғони темир-бетон корхонаси, сув хўжалиги ташкилоти, автобаза жамоалари 28 нафар ишчиларини ўз ҳисоблари эвазига коммунал тўловлардан озод қилдилар. Фахрийлар оталиқ ташкилотларнинг ғамхўрлигидан беҳад мамнун бўлдилар.

Ҳусан СУЛАЙМОНОВ.

ШОЙИМКЎПРИК ҚАЙТА ҚУРИЛАДИ

Қурилиш ташкилотлари раҳбарлари иштирокида Зангиота тумани Қатортол қишлоғи ҳудудидаги Шойимкўприкни қайтадан қуришга бағишланган йиғин бўлиб ўтди.

Янги кўприк ишга тушиши билан Бўзсув канали устидан автобуслар қатнови йўлга қўйилади. Туман марказига Тошкент халқа йўли бўйлаб қатнаётган қишлоқ аҳолисининг йўли қисқаради.

Мазкур иншоотни 7-кўприк қурилиш трестининг 6-ПМК қурувчилари бунёд этишяпти. Асосий буюртмачилар бўлмиш вилоят ва туман автомобиль йўллари бошқармаларининг режасига кўра кўприкнинг эни 20 метр, узунлиги эса 70-80 метр бўлади.

Ҳасан БАҲРОМОВ.

ФРАНЦИЯ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Париждаги Халқаро дипломатия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти китобини Франция оммавий ахборот воситалари вакилларига таништириш ва тақдим этиш маросими мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси билан Халқаро дипломатия академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Париждаги энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маросимда ушбу китоб Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи арафасида нашрдан чиққани алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акмал Саидов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ПАРИЖДА АМИР ТЕМУР ТЎЙИ

1992 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон билан Франция ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган эди. Икки томонлама муносабатларнинг муваффақиятли ривожланишида Ўзбекистон Президентининг 1993 йил октябрь ойида Францияга ҳамда Франция Президентининг 1994 йил апрель ойида Ўзбекистонга олий даражадаги расмий сафарлари муҳим ўрин тутади. Иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштирувчи ҳукуматлараро комиссия, ўзбек-француз иқтисодий гуруҳи, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик, Франция Миллий Кенгаши ва Сенатида «Франция — Ўзбекистон» депутатлар гуруҳи фаолияти, фан ва маданият ишлари бўйича ҳамкорликлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Президентининг Францияга навбатдаги ташрифидан мақсад ҳам дўст мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни янада ҳар томонлама ривожлантириш, уни янги босқичга олиб чиқиш бўйича музокаралар олиб бориш, шунингдек, ЮНЕСКО томонидан Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйини нишонлаш бўйича Парижда ўтказиладиган «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг равнақи» ҳафталигида иштирок этишдан иборатдир.

Республика Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири А. ҒУЛОМОВ Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Акмал САИДОВ билан суҳбатлашиб, ташриф доирасида ўтадиган ҳафталик тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Инсоният тарихида кўплаб машҳур шахслар ўтган. Бу кишиларнинг одатдан ташқари ҳаёти, турмуш тарзи, фаолиятлари ҳозиргача ҳам олимлар ва тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Шундай шахслар орасида Амир Темур алоҳида ўрин тутади — деди А. Саидов. — Амир Темур жаҳон тарихида улкан салтанатнинг асосчиси деб тан олинади. Искандар Зулқарнайн, Ганнибал, Атилла, Чингизхон, Наполеон сингари машҳур саркардалар қаторида улуғ бобомизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоир ва мусиқачиларнинг раҳнамоси бўлган. Ғарбда бу давр темурийлар ренессанси деб аталади. Бу вақтда Ўрта Осиёда фан, маданият, санъат анча ривожланди ҳамда олимлар, файласуфлар ва санъаткорларнинг катта бир авлодининг вужудга келишига сабаб бўлди.

Амир Темур ва умуман темурийлар даврини тадқиқ қилувчи манбалар ниҳоятда кўп. Илмий, тарихий, бадиий асарлар билан бир қаторда афсоналар ҳам қолган. Ана шу манбаларни ўрганиш натижасида жаҳон шарқшунослиги фанида Темуршунослик деб аталувчи илмий йўналиш бунёдга келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият ишлари бўйича бош идораси (ЮНЕСКО) Ўзбекистон маданияти, фани тарихини ўрганиш юзасидан жиддий амалий ишларни амалга оширмоқда. Халқаро миқёсда Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Амир Темур сингари даҳоларнинг юбилей саналарини нишонлашга бош-қош бўлиши ҳам бунинг яққол далилидир.

Француз тадқиқотчилари ҳам кўп асрлардан бери бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, авлодларимиз меросини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб боришган ва бугунги кунда ҳам бу ишларни тўхтатишмаган. Айниқса, Амир Темур билан боғлиқ илмий изланишларда француз тадқиқотчиларига тенг келадигани кам топилади. Шу мақсадда Парижда фаолият кўрсатаётган «Темурийлар» жамиятининг ҳайрли ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессияси Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор чиқарган эди. Шунга биноан 22-27 апрель кунлари Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг равнақи» мавзуида ҳафталик бўлиб ўтади. Бу ҳафталик доирасида ўзбек, француз, инглиз олимлари иштирокида илмий анжуман иш олиб боради. Унда 15 га яқин маърузалар ўқилиши, илмий мунозаралар олиб борилиши кўзда тутилмоқда. Жаҳонга машҳур «ОДИОН» театрида ўзбек ва француз санъаткорлари иштирокида ўзбек мусиқаси ва шеърияти кечаси (режиссёр Б. Йўлдошев) бўлиб ўтади. Бу кечада ўзбек санъат ихлосмандларига яхши таниш бўлган Француа Шатто иштирок этади.

Бу француз актёри бундан уч йил олдин А. Ҳидоятов номли театрда Алишер Навоий асари асосида саҳналаштирилган «Искандар» спектаклида бош ролни ўйнаган эди.

Шунингдек, ҳафталик давомида Темурийлар давридан сақланиб қолган тарихий буюмлар, амалий санъат, фото ва тасвирий санъат намуналаридан иборат кўргазма ҳам фаолият кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур юбилейининг ЮНЕСКО доирасида халқаро миқёсда нишонланиши Темурийлар ренессансининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига берилган юксак баҳодир.

ВИЖДОН, ҲАЛОЛЛИК ВА ПОКЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

РЕСПУБЛИКА Адлия вазирлигида бўлиб ўтган йиғилишда Тошкент вилояти судлари фаолияти муҳокама этилди. Суд органлари иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳақида эълон қилинган «Хоразм вилояти суди фаолиятидаги қонунбузарликлар ва жиддий камчиликлар тўғрисида»ги Фармойиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Йиғилишни Республика Адлия вазири С. Мирсафоев олиб борди. Унинг ишида адлия вазири ўринбосари П. Саматов, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари С. Ҳўжаева, Тошкент вилоят суди раиси Н. Рустамов, шунингдек, Тошкент вилояти адлия ва суд муассасалари ходимлари иштирок этдилар.

Давлатимиз бошлиғининг фармойишида кўрсатилган «Хоразм вилоятидагига ўхшаш воқеалар, — деб таъкидлади адлия вазири, — Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган айрим судлар ҳаётида ҳам учрамоқда. Биргина сўнгги йилнинг ўзида 5 нафар суд ходими ўз ишидан чақириб олинди. Улардан уч нафари жиноий жавобгарликка тортилди. Вилоятнинг ўн бир шаҳар ва туманидаги 15 нафар суд ходими йўл қўйган камчиликлари учун қайта ўз лавозимларига тасдиқланмади.

Адлия вазирлиги раҳбари судларда кўрилаётган ишлар сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. 1995 йилда шаҳар ва туман судлари томонидан чиқарилган 16 ҳукм жиноятчиларга нисбатан талаб даражасида бўлмаганлиги туфайли бекор қилинди. Шу йилнинг 1 чорагида яна беш марта ана шундай ҳолат қайд этилди.

Йиғилишда кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, Тошкент вилояти адлия ва суд муассасаларининг фаолиятларини янада такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Вилоятимизда чигит экиш қандай бормоқда?

БУЁҒИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

НИҲОЯТ анча-мунча «танаффус»дан сўнг кунлар қизий бошлади. Тупроқ етилмоқда. Пахтакорларимиз таваккал қилиб, жуда тўғри йўл тутган эканлар; ҳали тупроқнинг ички қаватида ҳарорат мўлжалдагидек бўлмаса ҳам чигит экишни бошлаб юборган эдилар. Шу туфайли айрим мутахассислар орасида «қандай бўларкин, ҳали эртамасмикин, бунинг устига ёмғир ёғиб кетди, ишқилиб чигит «қийналиб» қолмаса бўлгани-да» деган гаплар ҳам бор эди.

Лекин, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасидаги мутасадди раҳбарлар билан суҳбатлашганимизда улар бундай ҳавотирланишга асос йўқ, буёғини сўрасангиз' об-ҳавочилар ҳам яхши маълумотлар беришяпти дейишади. Бундан кейин ҳавонинг ҳарорати ҳам аста-секин кўтарилиб борар экан.

Биз мутахассислар билан биргаликда апрель ойининг бошларида танлаб экилган майдонлардаги уруғликнинг ҳолатини текшириб кўрдик: ҳаммаси жойида, чигит ниш-лаб турипти. Эрта-индин лоп этиб, ер юзасига чиқади.

Ҳеч иккиланмай, барча имконият, техника воситаларини ишга солиб, чигит экишни жадал олиб борган ва бу агротехника тадбирини вилоятда биринчилар қаторида ўтказаётган Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Янгийўл туманлари бундан буён ҳам ишни бўшаштирмасалар, уруғликни ернинг табиий намига ундириб олиб, парваришни бошлаб юборсалар, кўп нарсадан ютишлари мумкин.

Вилоят пахтакорлари мўл ҳосилга пухта замин яратиш учун, энг аввало, экишни ўз вақтида ва маромида ўтказиб, гектарларнинг тўла бўлишини таъминлашни мақсад қилиб олган эканлар, ҳозирги ҳаракат, ҳозирги суръат бу мақсадга, албатта, эришажакларини кўрсатиб турипти. Аввалига экиш «жилови»ни сал тортиброқ турган Бўка, Пискент, Ўртачирчиқ туманларининг деҳқонлари ҳам жадаллаб кетдилар. Ҳар бир хўжаликда, ҳар бир бригадада экишни тез ва сифатли ўтказиш юзасидан белгиланган режалар бекаму-кўст амалга оширилди, имкониятлар тўла ишга солинди.

Вилоят бўйлаб чигит экиш қизигандан-қизиди. Айрим кунлари далаларда 1000-1200 та сеялка ишлади. Ҳар бир сеялка билан ўртача 8 гектар ва ундан ошиқ ерга барака уруғи қадалди. Кунига вилоят бўйича 15 минг гектар ерга чигит экилди.

—Бу йил қайси навдаги чигит экилмоқда?

— Бу саволни бежиз бермадингиз, — деди вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг биринчи муовини Турсунбой Комилов, — бу йил вилоятда пахтанинг асосан С-55-30, «Наманган-77» навлари экилади. Булар бизнинг тупроқ шароитимизга мос, тола чиқими яхши. Озроқ майдонга эса биз учун нисбатан янги бўлган С-6532 нави экилади.

Шу кетишда кунлар исиб кетса нур устига аъло нур. Барча майдонларда чигитни ернинг табиий намига бир текис ундириб олиш мумкин бўлади. Бироқ, табиат табиат-да! Об-ҳавога ишониб бўлмайди. Ҳаво қаттиқ исиб, қатқалоқ бўлиши ёки совуши, ёғингарчилик бўлиши, айрим жойларда экилган чигитга зиён етказиши мумкин. Демоқчиманки, агарда айрим жойларга қайталаб чигит экиш тўғри келиб қолса, уруғлик «қидириб» қолмаймизми? Буёғи бозор иқтисодиёти...

— Буни ҳам ҳисобга олганмиз, — дейди Турсунбой ака, — ҳар бир хўжаликда йигирма фоиз заҳираси билан уруғлик берилган.

— Борди-ю, ишлатиб юборишган бўлса-чи?

— Бу ҳам ҳисобга олинган. Пахта тайёрлаш заводларида қанча уруғ бор-йўқлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. Кўшимча уруғлик ҳам тахт қилиб қўйилибди.

Хуллас, пахтакорларимиз, кўпни кўрган тажрибакор деҳқонлар, иншоолло, буёғи яхши бўлади, лекин далани назорат қилиб туриш, қатқалоқ бўлса юмшатиш чораларини кўриш керак деб айтмоқдалар.

СЎНГГИ СОАТДА: Газета саҳифаланаётганда Янгийўл тумани хокимлигидан қўнғироқ қилишди.

Туманда бугун-эрта мўлжалдаги 7640 гектар ерга чигит қадаш ишлари тугалланади. Кувончлиси шундаки, дастлаб экилган майдонларда, жумладан «Янги ҳаёт», «Қовунчи» жамоа хўжаликлари далаларида дастлабки чигитлар унib чиқди.



— Деҳқон дилидаги ғашликни хушнудлик эгаллади. Ҳарорат кўтарилиб, баҳор баҳорлигини қилмоқда. Олди экилган чигитларимиз уч-тўрт кун ичида унib чиқса ажаб эмас, — дейди Бекобод туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги аъзоси Саломат Умерова. — Ана ундан кейин парваришга зўр берамиз.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган суратлар.

КЕЛАЖАГИНИ ЎЗ ҚЎЛИ БИЛАН ҚУРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНГА ХАЛАҚИТ БЕРМАНГ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

чеккан давлатлар тақдирига мазкур салбий ҳодиса қандай таъсир этиши мумкин? Россия билан Ўзбекистоннинг муносабатлари қандай бўлади? Воқеаларнинг қандай кечишидан қатъий назар, Россия бари бир Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан асосий шериги бўлиб қолиши муқаррар-ку?!

И.КАРИМОВ: Агар Россияда шу воқеа юз берса, рўй-рост айтмоқчиман, вазият мушкуллашади.

Россияда коммунистлар ҳукумат тепасига келса, иқтисодиётни бошқариш, мулкчилик масалалари ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чигаллашуви, ўзгача тартиблар ўрнатилиши турган гап. Гарчи жаноб Зюганов Давосда ва бошқа жойлардаги учрашувларида, хавотир олманглар, биз маърифий мезонлар ва қонунчиликка шак келтирмаймиз, деб жар солаётган бўлсада, вазият кескинлашмаслигига кўзим етмайди.

Жаноб Зюгановнинг баёнотларида чалкаш, мужмал мулоҳазалар жуда кўп. Коммунистлар замони келса, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги давлатлар ўтмоқчи бўлган бозор иқтисодиёти муносабатлари мезонлари чиппакка чиқиши шубҳасиз. Бозор иқтисодиёти муносабатлари билан коммунистлар ўз дастурларида олға сураётган ғоялар, йўл-йўриқлар шу қадар йироққи, бу илон билан типратиконни чатиштиришдек гап.

Сайловда коммунистларнинг ютиб чиқиши, аввало Россиянинг ўзини умумжаҳон тараққиётидан бир неча йиллар орқага улоқтириб юборади ва табиийки, бу ҳол Россиянинг бошқа давлатлар билан, аввало МДҲ давлатлари билан ўзаро муносабатларига путур етказади. Комил ишонч билан айтаманки, Ўзбекистон ҳеч қачон орқага қайтмайди. Менинг қатъий фикрим шу.

Х.Убайдуллаев, Би-Би-Си мухбири: Президент жаноблари, агар янглишмасам, ўтган йилнинг охирида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган бир мажлисда, сиз Ўзбекистон матбуотини аямасдан танқид қилдингиз. Мана, орадан анча вақт ўтди. Ўзбекистон матбуоти ва телевидениесига бугун сиз қандай баҳо берган бўлардингиз?

И.КАРИМОВ: Жуда яхши савол бердингиз. Матбуот ва ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этиш ҳуқуқий давлат оёққа туришининг муҳим шартларидан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Модомики, Ўзбекистон эркин, очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу шартларни сўзсиз бажариши керак. Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари ҳам айнан мазкур мезонлардан келиб чиқиб яратилди.

Афсуски, мен буни ошкора тан олмоқчиман, республика тизимларининг нафақат ўрта, юқори раҳбарлик бўғинларида буни ҳали ҳам тўла тушуниб етмаган кишилар бор. Ўтмишнинг қотиб қолган андозалари таъсиридан қутулиш жуда қийин кечаётир. Вазиятни фармон ёки қарор қабул қилиш билан тузатиб бўлмайди. Одамларнинг, айниқса, раҳбарларнинг дунёқарашини ўзгартириш керак. Бу — ўта муҳим масала.

Газеталаримиз саҳифаларида, радио ва телевидениеда танқид пайдо бўлса, негадир уни мамлакатимизда ҳал этиб бўлмайдиган муаммолар мавжудлигининг аломати, деб тушуниш расм бўлган. Россия журналистлари билан мулоқотимда мен танқидий руҳ барча ривожланган давлатлар матбуоти, радио ва телевидениеси учун хослигини, пировардида бу услуб олға силжиш, эришилган ютуқлардан эсанкираб қолмасликнинг таъсирчан, изчил омили эканлигини таъкидлаган эдим. Ҳар бир инсон, хусусан раҳбар ўз камчиликларини кўриб туриши, бу қусурлардан тезроқ қутулишга ва ўз қобиғига ўралиб қолмасликка ҳаракат қилиши керак. Бу коррупцияга ва қонунбузарликка қарши курашнинг энг муҳим шартидир.

Туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки бирор-бир вазир газетада танқид қилинса, осмон узилиб ерга тушгандай бўлади. Албатта, танқид холис бўлиши, кишилар шахсиятига иззат-нафсига тегмаслиги керак.

Лекин танқиднинг бўлиши шубҳасиз. Бусиз ҳаётимизни, тараққиётимизни тасаввур этиш қийин.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Бу журналистларнинг савияси билан боғлиқ. Хўш, журналистларимизнинг ўзлари шу вазифани адо этишга, холис ёндошувга тайёрмилар? Афсуски, ўз фаолиятини мазкур мезонлар билан ўлчайдиган, мулоҳаза юритадиган мухбирлар ҳали жуда кам.

Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури, Европа мамлакатлари ва АҚШ билан ҳамкорлик тизими бўйича Ўзбекистонда ўтказилаётган турли тадбирларни мен чин юракдан қутлайман, қўллаб-қувватлайман, улар ҳамкасбларига касбий маҳорат сирларини эгаллашда яқиндан ёрдам беришяпти. Би-Би-Си мониторинг ваколатхонасининг Ўзбекистонда олиб бораётган ишлари диққатга сазовор. Мамлакатимизда куни-кеча "Озодлик" радиостанциясининг ваколатхонаси ҳам иш бошлади. Ўзбекистонда Си-Эн-Эн ва жаҳоннинг бошқа етакчи телевидение ва радиостанциялари ҳам ўз ваколатхоналарини очишса, журналистларимиз Ғарб матбуоти вакиллари билан бақамти ҳамкорлик қилиб, газеталарнинг қўшма сонларини чоп этишса, мен жуда мамнун бўлардим. Етакчи газеталаримиз хорижий тилда илова ёки махсус сонлар тайёрлашса, кейин ўзбек тилига ўгирилса ёки аксинча, ўзбек тилидан бошқа тилга таржима қилинса, бунинг нимаси ёмон?!

Яна такрорлайман: мақола ва газета сонларини тайёрлашда катта тажрибага эга бўлган хорижий журналистларнинг мухбирларимиз билан ҳамкорлик қилиши жуда муҳим. Ҳамкорликнинг мазкур янги тармоғи сир-синоатларини эгаллашда бизга яқиндан ёрдам берган бўлардингиз.

Биз дунёга юз очдик деганда, қилишимиз керак бўлган ишларнинг нари борса ярмини тасаввур этамиз, холос. Ваҳоланки, биз бизнесменларга, молия, тижорат тизимларига хорижий компанияларга эмас, аввало Ғарб матбуотига юз буришимиз, чет эллик мухбирлар ва Ғарб оммавий ахборот воситалари вакилларига газеталаримиз саҳифаларидан кенг ўрин беришимиз керак.

Хуллас, қисқача қилиб айтганда, ахборот воситаларининг бугунги аҳволи мени қониқтирмайди.

Т.Қоратоев, Ўзбекистон телевидениеси мухбири: Муҳтарам Президент, собиқ Иттифоқни тиклашга доир масалага сиз аниқ, қатъий фикрингизни айтдингиз. Бошқа мамлакатлар, дейлик МДҲга аъзо Тожикистон, Туркманистон, Грузия, Арманистоннинг мазкур масалага муносабатлари сизга маълумми? Уларнинг Тўртлар шартномасига қўшилиш эҳтимоли борми?

И.КАРИМОВ: Бир эмас бир неча марта айтдим: мазкур шартномага қўшилиш ёки бошқа шартномаларга имзо чекиш алоҳида олганда ҳар бир давлатнинг ички иши.

Мен ўз маъруза ва суҳбатларимда бир неча марта такрорлаганманки, бошқа мамлакатлар бу шартномага қўшиладими ёки қўшилмайдими, шартномани имзолайдими-йўқми — бу ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқи ва ички ишидир. Ҳар бир мустақил давлат бугун ўз тақдирини ўзи ҳал қилмоқда ва халқи олдида ҳам ўзи жавоб беради. Шартномага ким қандай қараётганини менинг чиқишларимдан эмас, матбуотдан ўқиб, коса тагида ним коса борлигини мулоҳаза қилиш керак.

Р.Тэлль, "Рабочая трибуна" газетаси мухбири: Ўзбекистоннинг МДҲ доирасига кирмайдиган бирон-бир битимда қатнашишини қатъий рад этадиган қандайдир бирорта бошқа таклифи борми? Агар бўлса, бу таклифни сиз МДҲ давлатлари раҳбарларининг Москвада бўладиган учрашувида ўртага қўясизми?

И.КАРИМОВ: Мен ўзимнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларимда собиқ Иттифоқ ҳудудида бўладиган ҳар қандай интеграцияга қўшилишимизнинг бешта шартини айтиб ўтган эдим. Буларни яна такрорлаб ўтаман.

Биринчидан: бу ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик, мустақилликни сақлаб қолиш.

Иккинчидан: интеграцияга қўшилаётган ҳар бир давлат бир хилдаги қонуний базага, бир хилдаги ислоҳотлар йўналишига эга бўлиши лозим.

Учинчидан: интеграцияга қўшилаётган давлатлар ўз режаларини бировлар ҳисобига тузмаслиги, яъни боқимандаликка йўл қўймаслиги керак.

Тўртинчидан: интеграция жараёнларини сунъий тарзда тезлатиш керак эмас. Интеграция бу - ўта жиддий ва узоқ давом этадиган жараёндир. Уни амалга ошириш учун аниқ шарт-шароитлар яратилмоғи лозим.

Бу жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш жуда хавфли. Ва сўнгги - **бешинчи шарт,** интеграцион жараёнларга мафкуравий тус бермасликдир. Аравани отдан олдин қўйиб бўлмайди.

Давлатлараро тизимлар тузиш, шундан кейин иқтисодий масалаларни, иқтисодий интеграцияни ҳал этиш биз учун мутлақо номақбулдир.

Иқтисодий вазият, ягона иқтисодий ҳудуд табиий суратда етилиши ва амал қилиши керак. Шундан кейингина интеграциянинг бошқа шакллари, жумладан, сиёсий интеграция пайдо бўлишига майдон яралади.

Энди менинг ҳам сизларга бир савол беришимга ижозат этсангизлар: **интеграциябозлик хуружи қаердан келиб чиқди ўзи? Бу сўзсиз амалга оширилиши зарур бўлган мақсадми?** Негадир бирор мамлакат интеграцияга қўшилмаса, эртагаёқ ҳалокатга учрайди, деган башоратларнинг замирида нима бор?

Интеграция ғоясини чайқовга солмаслик керак. Интеграция ва кооперация тараққиётга, иқтисодий юксалишга хизмат қилмоғи, иқтисодий ўсиш ва юксалиш йўлида ўртадан тўсиқларни кўтармоғи лозим.

Бунинг учун ҳар бир давлат аввало ўз кучига таяниб нимадир қилиши лозим. Ислоҳотларни ўтказиш баробарида қонуний ва ҳуқуқий асослар яратиш, одамларни ўқитиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестицияларни топиш ва жалб этиш, янги иш жойлари яратишни ўрганиш зарур. Бу — олға боришимизнинг бош шартларидан бири. Биз Ўзбекистонда ўз келажагимизни шундай тасаввур этамиз. Шу ва фақат шу асосда интеграция имкониятларидан фойдаланиш, оқилона кооперация йўлидаги турли тўсиқларни олиб ташлаш лозим бўлади. МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг ўзи интеграция учун етарли даражада асос яратади. Биз эса бошланган ишни охирига етказмай, қабул қилинган қарорларни амалга оширмасданоқ улардан юз ўгирамиз ва яна янгидан-янги иттифоқлар тузмоқчи бўламиз. Бу қандайдир интеграция ўйинига, ўйин бўлганда ҳам сўнгсиз ўйинга айланиб қолмоқда. Яқинда мен оддий бир одамдан бу жараёнлар ҳақида ғалати бир таърифни эшитдим. Унинг айтишича, беш йил ағдар-тўнтар қилишди, энди яна беш йил қайтадан тиклашади. Халқ эса кутиб тураверади. Бу - одамларни кундалик муаммолардан чалғитишга, моҳиятан камчиликлар учун масъулиятдан қочишга қаратилган хатти-ҳаракатдан ўзга нарса эмас. Бу - оддий одамнинг фикри.

Ю.Черногаев, "Постфактум" ахборот агентлиги: Ижозатингиз билан бир вазиятни аниқлаштириш учун шундай савол бермоқчи эдим. Бу бизнинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан чегараларимиздаги ўта либерал божхона тартиби билан боғлиқдир. Бу икки мамлакат Тўртлар битимини имзолагани сабабли божхона тартибида ўзгаришлар бўладими? Сиз ушбу ҳужжатларни имзолашимиз учун Ўзбекистон аллақандай бир тазйиқни сезиб турибди, деб айтдингиз. Бундай тазйиқ қай шаклда амалга оширилмоқда?

И.КАРИМОВ: Бизнинг тарафимиздан мол айрибошлашни чегараловчи, одамларнинг ўзаро муносабатларини чекловчи, умуман бу икки мамлакат билан мавжуд ҳамкорликни чекловчи бирон - бир қўшимча тадбир амалга оширилмайди. Мен буни қатъий айтаётирман. Биз бу ҳолга йўл қўймаймиз ҳам.

Иккинчи саволингизга келсак, айтишим керакки, мен бизга тазйиқ кўрсатиляпти деганим йўқ, сўзма-сўз айтганда, бизни астойдил таклиф қилмоқдалар, дедим. Кўриб турибсизки, бунда фарқ бор. Мен сизларни бу масалаларга жиддий ёндашишга даъват этаман.

Агар кескинроқ гапирган бўлсам, шу боисданким, мен собиқ Иттифоқ у ёки бу шаклда қайта тикланиши эҳтимоли ҳақида эшитишни қатъиян истамайман. Мен бу Иттифоқни ич-ичидан яхши биламан.

Унинг барча иллатлари ва Ўзбекистон халқи учун номақбуллигини яхши биламан.

Афсуски, инсоннинг хотираси унутиш касалига гирифтордир. Аммо мен 83-йилдан то 89-йилгача бўлган яқин тарихимизни, бизнинг бошимиз узра, ўзбеклар ва Ўзбекистон узра қандай бебошликлар - қонунга хилоф ишлар амалга оширилган даврни асло унута олмайман. Ўша манзаралар ҳалиҳамон кўз ўнгимда турибди. Улар хусусида юрагим тўлиб, ҳис-ҳаяжонга берилмасдан гапиролмайман. Ўзбекистонда қандай мудҳиш ишлар қилинган бўлса, ҳаммаси КПСС МК ва Сиёсий Бюросининг хоҳиш-иродаси билан содир этилган.

Биздан сўрамай-нетмай, розилигимизни олмай яна орқага қайтайлик, яна бирга яшайлик, деб турадиган Е.Лигачёвга ўхшаш кимсалар пайдо бўлгандан кейин, мен ҳаяжонимни босиб гапиролмайман. Ёки Лукьяновни олайлик... Қирғизистон билан чегарада, Ўшда фожеалар юз бериб турганда, мен унга Тошкентдан туриб уч марта қўнғироқ қилдим. Горбачев ҳақида, шахсан ўзим гаплашган бошқа "арбоблар" ҳақида гапириб ўтирмайман.

Мен уларга шахсан мурожаат қилиб, одамлар ўлмоқда, тўкилаётган қон эрта-индин бутун Ўрта Осиёни хонавайрон этади, деб худонинг зорини қилдим, ёрдам беринглар, деб қанчалар ёлвордим. Қанақа жавоб олдик бу мурожаатларга? Фақат ўзимиз - ўзбеклар ва қирғизлар бу муаммони ҳал қилдик. Фақат ақл-идрок, фақат ақл-фаросат, одамларимизнинг яхши ният ва олижаноблиги ўша даҳшатли фалокатнинг олдини тўсди. Шу боис айтмоқчиман, менинг яккаю ягона хоҳишим - Ўзбекистонга ҳеч ким халақит бермасин! Ўз келажагини ўз қўллари билан барпо этаётган бошқа республикаларга ҳам халақит берилмасин!

Матбуот ва ислоҳот

ҚАЛАМ АҲЛИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар ҳар бир соҳа ходимидан тезкорлик ва масъулият билан ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли алоҳида. Хўш, шундай экан матбуот, телевидение ва радио ўз олдида турган вазифаларни тўлиқ бажара оляптими? Холис айтиш керакки, ҳали улар бу вазифаларни, талабларни тўлиқ ва кенг қамровда бажара оляптилар, деб бўлмайди. Республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда ва яқинда Тошкентдаги дипломатик корпус вакиллари, республика ҳамда хорижий журналистлар билан учрашувидаги нутқида буни рўй-рост айтиб ўтдилар.

Улардан чиқариладиган хулоса шуки, бошқа соҳалар қатори матбуотимизда ҳам ислоҳий жараёнларни тезлаштириш керак. Республикамиздаги ўзгаришларни, устувор мавзуларни кенг кўламда, назарий чуқур, адолат мезонида, танқидий руҳда, оммабоп қилиб ёритиб бориш зарур.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Республикамиз Президенти девони Ахборот маркази томонидан амалга оширилаётган ташкилий-тадбирий ишлар оммавий ахборот воситалари ходимлари малакасини ошириш, касб маҳоратини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ахборот марказида вазирликлар, йирик концерн ва идоралар раҳбарлари, мутахассислар билан ўтказилаётган мулоқотлар, учрашувлар, жойларда ташкил этилаётган минтақавий семинарлар энг долзарб мавзуларни чуқурроқ ёритишга бағишланмоқда.

Хусусан, шу йилнинг 16 апрель куни Гулистон шаҳрида Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида чоп этилаётган вилоят, шаҳар, туман газеталари муҳаррирлари, республика газеталари ва Ўзтелерадиокомпаниясининг шу вилоятлардаги мухбирлари иштирокида бўлиб ўтган минтақавий семинарда нафақат журналистлар олдида турган муҳим вазифалар, балки, маҳаллий матбуот нашрларини молиялаштириш, солиқ тизимидаги янгиликлар, газеталарни қоғоз ва бошқа матбаа ашёлари билан таъминлаш масалалари ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Энг муҳими, назаримизда, семинарнинг расмий тусда эмас, эркин мулоқот руҳида ўтганлиги иштирокчиларга маъқул бўлди. Йиғилиш қатнашчилари ўзаро фикр алмашдилар, ўзларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб олдилар, ҳар бир ҳудудга тааллуқли, ўзига хос муаммоларни ўртага ташладилар.

Ҳар учала вилоят, шаҳар ва туман матбуот нашрларининг таҳлили шуни кўрсатдики, газеталарни шу кун савиясида чиқариш учун ҳали кўп ишлар қилиш керак. Айниқса, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларини халқимизга янгича, чуқур таҳлилий асосда етказиб бериш, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги муҳим вазифалар-тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозори, янги иш жойлари очиш, саноатни қишлоққа олиб кириш, кичик, ўрта ва қўшма корхоналарни кўпайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги аҳволи, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантириш, миллий валютамиз қадрини ошириш, тарихий, маданий қадриятларимиз, маориф, соғлиқни сақлаш, спорт, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, хотин-қизларимизнинг жамиятдаги роли, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш сингари мавзуларни янада чуқурроқ ёритиш айни шу соҳа ислоҳотига қаратилгандир.

Шунингдек семинарда Президентимиз фармонлари ва Республика ҳукумати қарорларининг бажарилишини назорат қилиб бориш борасида амалга оширилиши керак бўлган масалалар тўғрисида ҳам гап борди.

Семинар қатнашчилари шу куни республика Президенти Ислом Каримовнинг «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир» деб аталган янги китоби юзасидан давра суҳбати ўтказдилар. Журналистлар Россия Федерацияси Давлат думасининг собиқ иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорига ва айрим давлатларнинг ғўё интеграцияни «тезлаштириш» ниқоби остида янги иттифоқ тузиш йўлидаги ҳаракатларига муносабат билдириб, юртбошимизнинг мазкур китобида бу сиёсий «ўйинларга» жуда тўғри баҳо берилганлигини таъкидладилар. Зеро, газеталарга келаётган хат-хабарлар ва бўлаётган қўнғироқлар халқимиз Президентимизнинг бу борада тутган йўлини тўла қўллаб-қувватлаганлигини кўрсатиб турибди.

Минтақавий семинар ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, журналистларнинг бундай учрашувларини ташкил этиш, уларнинг ўзаро мулоқотларини тез-тез уюштириш, шубҳасиз келгусида газеталаримизнинг долзарблигини оширишга хизмат қилади. Лўнда қилиб айтганда, матбуот доимо воқеалардан бир қадам олдинда юриши керак. Жамият ҳаётини, унинг муаммолари, халқнинг ўй-фикрларини чуқур, кенг қамровда, адолатли, танқидий руҳда ва ўз вақтида ёрита олган матбуотгина мамлакатга, халққа кўпроқ фойда келтиради. Семинар якунида хулоса қилинган бу фикрни қўллаб-қувватлаш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл

ХИЗМАТДА — «АЗИЗ»

Йўлингиз тушиб Янгийўлга бориб қолсангиз, бу шаҳарда юз бераётган ўзгаришларни илғаб олиш қийин эмаслигини ҳис этасиз. Ислоҳотлар турли соҳаларда аста-секин бўй кўрсатаяпти.

Биргина аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг ўзида анчагина ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозирги кунда сартарошхоналар, суратхона, соат тузатиш устахонаси,якка тартибда фаолият юритувчи тикувчилик, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи цехлар, миллий кўрпа-кўрпачалар тикадиган, ойнага гул соладиган устахоналар, тўй маросимлари учун ижара пунктлари ва тегирмон... аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Транспорт хизмати кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Буларнинг бари Янгийўл шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи «Азиз» хусусий фирмаси мулкдори Солижон Аҳмаджонов бошчилик қилаётган жамоа тадбиркорларининг ишбилармонлик билан, узоқни кўзлаб олиб бораётган меҳнатлари самараси туфайли юзага келмоқда.

30 йил аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб, суяги қотган Солижон ака учун бу тармоқни йўлга солиб юбориш осон кечмади. Кўп қийинчиликларга дуч келинди. Хусусий бўлганидан кейин эса давлат тасарруфидаги корхона, ташкилотлар билан алоқа қилиш тўхтаб қолди. Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонларидан сўнг бу соҳага эътибор кучайтирилди.

— Фирмамиз ўз фаолиятини 1993 йилнинг сентябрь ойларида бошлаган эди, у вақтларда маиший хизмат соҳасини хусусийлаштириш тўғрисидаги гап сўзлар йўқ эди, — дейди Солижон Аҳмаджонов. — «Азиз» фирмаси илгари Янгийўл шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бирлашмаси таркибида эди. Хусусий бўлганимиздан кейин мустақил иш юрита бошладик. Ҳамма ишни халқнинг талаб-эҳтиёжига қараб режалаштиряпмиз. Авваларидек юқоридан кўрсатмалар олиб, режалаштириш кабиларга барҳам берилди. Эндиликда ўзимиз шароитдан келиб чиқиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари самарадорлигини ошириш йўлидан боряпмиз. Бошланишида бизда ҳам айрим камчиликлар бўлиб ўтди. Чунончи, кўпгина ходимларимиз меҳнатларига ўзлари истаган нархларни қўйиб хизмат кўрсата бошлашди. Бу эса сўзсиз халқимиз норозилигига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда ўзимизга қарашли тармоқларда нарх-наво қатъий белгилаб берилган ва улар кўз тушадиган жойларга осиб қўйилган. Шу белгиланган нарх даражасида ҳақ олинмоқда.

Илгарилари маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари барча зарур нарсалар — асбоб ускуналар, ип-игна, газмол, мой, пахтасигача таъминланар эди. Ҳозир эса ҳаммасини ўзимиз излаб топаяпмиз, ҳар бир мижозни хоҳишига ва дидига мослаб хизмат кўрсатилмоқда. Хизмат ҳақи ҳам шунга яраша бўлади.

Фирманинг кенг истеъмол моллари тикадиган цехи ишидан барча мамнун. Бу ерда 30 йилдан зиёд вақт тикувчилик касбини эъзозлаб келаётган Люда Фатафеева, Роза Замалиддинова, Хуршида Собирова каби қўли гул чеварлар меҳнат қилишади. Истаган ташкилот ёки фермер хўжалиги фирма билан шартнома тузса, ўзларига зарур бўлган жомакор —оқ-қора халатлар, қишки камзуллар сифатли қилиб тикиб берилади. Тайёр буюртмалар нақд ва пул ўтказиш ёки маҳсулотларни айрибошлаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Кўпинча маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари хусусийлаштирилганидан сўнг уларни ўрнида дўконлар, қаҳвахоналар, видеобарлар очилиши кузатилмоқда. Аммо, бунга ўхшаш нохуш воқеалар Янгийўлда содир бўлмади. Юқоридаги каби ҳолларнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 399 — қарори юзага келди. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмасини, вилоятлар, шаҳар, туманларда ҳам шундай уюшмалар ташкил этиш тўғрисида фармон чиқди. Шу фармонга биноан ўтган йилнинг декабрь ойи охирларида Янгийўл тадбиркорлари ва маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг катта йиғилишида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу уюшма ана шу тармоқдаги турли соҳаларни қамраб олган, муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиб, фирмалар ишига кўмаклашмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ҳам бу соҳадаги ишлар жадал юришиб кетишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бугунги кунда «Азиз» фирмаси аҳолига 11 та турда маиший хизмат кўрсатмоқда. 80 нафар одам иш билан таъминланган. Ўтган йили фирма ташкил қилган дорихонада халқимизга хизмат кўрсатишда барча имтиёзлар сақланган ҳолда иш олиб борилмоқда. Фирма жамоаси келгусида истеъмол бозорини янада тўлдириш, халқимиз дастурхонини тўкин қилиш мақсадида қандолат цехини ишга туширишни кўзлаб турибди.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

ТОШҚИН ОҚИБАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Тошкент вилоятининг айрим тоғли туманларида 14 апрелдан бошланган кучли ёғингарчилик ва қорлар эриши натижасида 16 апрелда сув тошқинлари содир бўлди. Натижада йўллар, кўприклар, экинзорлар, уй-жойларга бир қадар зарар етди. Табиий офатга қарши халқ иродаси мустаҳкам тўғон бўлди. Бу ҳақда вилоятдаги фавқулодда вазиятлар бўйича масъул Абдужалил НУРОНОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари, Ангрен ва Янгиобод шаҳарларида қаттиқ сел келиши натижасида маълум даражада моддий зарар кўрилди. Оқсоқотасой, Қорабоусой, Дукентсой, Паркентсой, Қизилсой, Четсув, Живлонсой, Тошсой, Нишбошисой каби жойларда сувлар ўзанидан чиқиб, теварак-атрофга ёйилди. Айрим автомобиль йўллари бузилди, кўприклар ишдан чиқди. Тошкент-Қўқон, Нишбош-Ангрен йўлларида транспорт ҳаракати қисқа муддат тўхтаб қолди. Ангреннинг Кўктерак қишлоғидан 50 оила зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирилди. Бошқа туманларнинг қишлоқларида ҳам бир неча оилалар кўчирилди.

Жойларда тиклаш-таъмирлаш ишлари жадал бошлаб юборилди. Биргина Паркент туманида бу ишларга 20 дан зиёд юк машиналари, 2 та автокран, 2 та бульдозер, 5 та экскаватор, 200 га яқин ишчи жалб этилди. Сув қайта тошиши хавфли бўлган жойлар шиббаланмоқда ва тўғонлар қўйилмоқда, қирғоқлар қайта мустаҳкамланяпти. Вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари табиий офат зарарларини тезда бартараф этиш учун зарур миқдорда маблағ, етарли техника, ишчи кучлари ажратди.

Шароф АКБАРОВ.

ЙЎЛДА ЮРИШАДИ, ПУЛДАН УРИШАДИ

ТАВБА. Хом сут эмган бандаси ҳамиша панд берар экан. Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси ходимлари биргаликда ўтказган текширувлар бу ҳақиқатни яна бир карра исботлади.

Тошкент вилояти солиқ бошқармаси ва «Тошкент ҳақиқати»нинг қўшма рейди

... «КЎКТЕРАК» — «ЧОРСУ» йўналишида қатнайдиган 94-74 ТШС рақамли автобус Келес автокорхонасига қарашли экан. У тўхтатилди. Ичкари тўла йўловчи. Ҳайдовчи рулдан тушди.

— Одамларга чипта сотилганми?

Эргашбой Усмонкуловнинг ранги ўчиб кетди. Индамай ерга қаради.

— Одамларнинг чиптаси борми?

— ...

Мулзам бўлишликнинг сири очилди. Биронта ҳам йўловчига чипта сотилмаган экан. «Шоввоз» Эргашбой нақд пул йиғиб олишни афзал кўрган. Сал ўтмай шу автокорхонанинг яна битта — 83-52 ТШН автобуси ушланди. Машинада «кондуктор бор экан» деган таскинимиз бироздан сўнг ғашликка айланди. Чиптасиз юрадиган «қуён»ларни, қоидабузарларни ушлаши лозим бўлган В. А. Пономаревнинг ўзи ашаддий қоидабузар бўлиб чиқди. «Тошвилоятйўловчитранс» уюшмаси назоратчиси бўлган бу «укахонимиз»нинг ёнида 322 сўм ортиқча пул борлиги аниқланди.

Юқоридаги каби хунук воқеаларни қандай изоҳлаш мумкин?

Маълумки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг аввалги мажлисларида, шунингдек, вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган қатор йиғилишларда аҳолига сифатли, қулай ва ҳалол транспорт хизмати кўрсатиш масалалари неча бор муҳокама қилинди. Текширувлар натижасига кўра айрим транспорт корхоналари раҳбарлари, лавозимли мутахассислари, ноқонуний хатти-ҳаракат қилган ҳайдовчилар жазоланган эдилар. Лекин, яқинда бўлиб ўтган навбатдаги текширувлар юқоридаги чоралардан раҳбарлар, мутахассислар, ҳайдовчилар ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олмаганликлари аён бўлди. Рейд гуруҳлари иштирокчилари аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамон талаблар даражасида эмаслигининг гувоҳи бўлдилар.

Вилоятимиз ҳудудида қатнаётган автобуслар, маршрут таксилари, троллейбуслар аҳолига кўнгилдагидек хизмат кўрсатмоқдаларми? Одамлар транспорт хизматидан розими? Йўловчиларга чипта сотиш аҳволи қандай? Олинган пуллар давлат хазинасига тушаяптими? Ҳайдовчиларнинг хизмат кўрсатиш маданияти қанақа?.. Рейд гуруҳларининг олдида ана шундай саволлар кўндаланг турар эди.

Биринчи саволга текширувлар натижасидан келиб чиқиб, «Йўқ, вилоятимиз аҳолисига кўнгилдагидек транспорт хизмати кўрсатилмаётир» деб очиқ айтиш мумкин. Биргина мисол. Ангрен автобус-таксомотор ҳиссадорлик жамиятининг транспорт воситалари Кўчбулоқ, Тўқайяқа, Облиқ, С. Раҳимов қишлоқларига мунтазам қатнамайди. Қатнаш жадваллари йўқ. «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири Т. Шералиев шу йил 16 апрель куни мазкур автокорхонанинг ЛАЗ-35-48 ТШР автобуси ҳайдовчиси Соғлом қишлоғидан қайта туриб, йўловчиларга мутлақо чипта сотмаганлигининг гувоҳи бўлди... Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу автокорхонада 436 минг сўмлик зарар кўрилганлиги мана шундай «ажойиб фаолият»нинг натижаси эмасмикин?

Ҳайдовчиларнинг хизмат кўрсатиш маданияти қандай?

«Ўртасарой-Қуйилиқ» йўналишида қатновчи Тўйтепа автокорхонасининг 89-57 ТШП рақамли автобуси ҳайдовчиси В. Маматкулов ёнидан 222 сўм, «Тўйтепа-Туябўғиз» йўлида юрувчи 05-40 ТШС «РАФ» ҳайдовчиси О. Ёқубовдан 133 сўм, «Тўйтепа-Парандачилик фабрикаси» йўналишидаги автобус ҳайдовчиси Й. Есенбоевдан 79 сўм, Чирчиқ автокорхонасининг «Тошкент — Чорбоғ» оралиғида қатновчи 59-38 ТШС автобуси ҳайдовчиси Э. Хошимовдан 394 сўм ошиқча пул чиқди. Чиноз автобус-таксомотор корхонасининг 20-32 ТШМ автобуси ҳайдовчиси А. Холмуҳамедовда 685 сўм, ушбу жамоага қарашли 30-16 ТШМ автобуси ҳайдовчиси В. Маматкуловда 315 сўм, 30-15 ТШМ автобуси ҳайдовчиси Т. Усмоновда 186 сўм, 31-33 ТШМ автобуси ҳайдовчиси Ҳ.Ҳасановда эса 124 сўм камомад аниқланди. Қаранг, бирларида ундоқ, бирларида бундоқ. Пуллар нега ошиқча бўляпти, нега кам чиқаяпти? Хулосаси маълум!..

«ТТЗ — Чингелди» йўлида қатновчи 71-87 ТШП автобуси ҳайдовчиси У. Бекзатуллаев, «Ангрен — Бўка» оралиғида юрувчи 48-65 ТШН автобуси ҳайдовчиси В. Пардаев, «Тошкент — Олмалиқ» йўналишидаги 33-45 ТШМ автобуси ҳайдовчиси К. Марасуловларнинг ҳам қўллари «тоза» эмас экан. Уларнинг ёнларидаги анча-мунча ошиқча пулларнинг «левий соққа» эканлиги шубҳасиз эди.

Аҳоли транспорт хизматидан норозилик билдираётган бир пайтда яна ғалати бир ҳолат аниқланди. Айрим автокорхоналар асосий вазифаси йўловчилар ташиш, уларнинг узоғини яқин қилиш бўлишига қарамай одамлар ташишга мўлжалланган транспорт воситаларини бошқа корхона ва ташкилотларга биркитиб қўйиб, «пул ишламоқдалар». Осон йўлдан бориш ҳамиша осон бўлади-да. Бунда жон койитиш ҳам бўлмайди, шикоятлар ҳам эшитилмайди, калла ҳам қотирилмайди. Масалан, Янгиобод шаҳри автокорхонаси (раҳбари У. Тошматов) мавжуд 95 та автобуснинг 68 тасини, Ангрен шаҳар автокорхонасида (раҳбари А. Калиниченко) 254 автобусдан 56 тасини чет корхона ва ташкилотларга бириктириб қўйганликларини қандай тушуниш мумкин... Елка қисишдан нарига ўтолмайсиз.

Шу ерда яна бир савол туғилади. Юқорида номлари тилга олинган ва бошқа шуларга ўхшаш виждонга хилоф иш тутаётганлар, каззоблик, алдамчилик каби ғирром йўлдан тоймаётган кимсалар қонун-қоидалар талабларини билишмайди дейсизми? Билишади, билиб туришиб, ҳақиқатнинг кўзига тупроқ сочмоқчи бўлишади. Аниқки, бу йўл хатарли ва ҳалокатлидир. Ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилмаётган, «кимки пулга ўрганар, охир оқибат ўртанар» деган боболаримизнинг доно ўгитига риоя этмаётган, ўз касблари шаънига доғ тушираётган шахсларнинг, шубҳасиз, бир кунмас —бир кун бармоқ тишлаб қолишлари турган гап. Зеро, йўл — муқаддас нарсадир, ундан ёмон ниятларда фойдаланганларга, албатта, унинг касри уради.

Ҳеч ким билмайди, қийшиқ бармоқ енг ичида қолади, қабилида иш юритаётганлар қаттиқ адашадилар. Бу — хом хаёлдан бошқа нарса эмас. Қонун устиворлигини таъминлашга даъват этилган давлат органлари бу ҳақиқатни неча бор исбот қилганлар. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Инсофнинг ҳам чегараси бор. Уни суиистеъмол қилиш мутлақо ярамайди. Этакнинг эс борида ёпилгани маъқул.

РЕЙД ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Ҳа, дунёнинг турли бурчакларида ҳар соатда ҳар хил воқеалар бўлиб турипти. Уларнинг айримлари шу заҳоти барҳам топса, айримлари эса катта жанжалларга, машмашаларга, ҳатто, қуролли тўқнашувларга айланиб кетмоқда. Кейинги кунларда жаҳон оммавий ахборот воситалари Исроил билан «Хизбуллоҳ» гуруҳи ўртасидаги ҳарбий тўқнашувга, Чеченистондаги уруш ҳаракатларига, Либериядаги фуқаролар ўртасидаги жангларга, айниқса, катта эътибор қаратмоқда.

«ХИЗБУЛЛОҲ»НИ ЖИЛОВЛАБ БЎЛАДИМИ?

ШУ ЙИЛНИНГ ўтган ойида Исроилнинг қатор шаҳарларида амалга оширилган террорчилик ҳатти-ҳаракатлари туфайли тинч аҳоли ўртасида кўплаб одамлар қурбон бўлди. Ўнлаб кишилар оғир тан жароҳатлари олдилар. Террорчилик ҳуружларининг олдини олиш мақсадида Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳрида ўттизга яқин мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари, ички ишлар вазирлари, махсус хизмат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган катта анжумандан сўнг ҳам фожиавий портлашлар тўхтамади. Халқаро ҳамжамият бу даҳшатларнинг илдизи Фаластин Озодлик Ташкилоти билан келишмаётган исломпараст «Хизбуллоҳ» мазхабига бориб тақалишини қатор мисолларда исботлаб бердилар.

Натижада, мазкур мазхаб жангариларининг қилмишлари Исроил ва Лубнон давлатлари ўртасида уруш ҳаракатлари бошланишига сабаб бўлди. Зеро, «Хизбуллоҳ»нинг асосий қароргоҳлари баайни мана шу мамлакатда жойлашган эди.

Оғзаки огоҳлантиришлар самара бермагач, Исроил Лубноннинг жанубий чегараларига ракета-артиллерия тўплари билан зарба берди. Исроил раҳбарияти ўзининг бу ҳатти-ҳаракатини «Хизбуллоҳ» Исроилнинг шимолидаги Киръят-Шмон қўрғонини ўққа тутганидан сўнг берилган жавоб деб баҳолади. «Хизбуллоҳ»чилар Киръят-Шмонга ракета отганларида 36 нафар киши қаттиқ жароҳатланган эди.

Исроил ўзининг қирувчи самолётларини, «Апаче» тоифасидаги ҳарбий вертолётларини, жанговар кемаларини, оғир артиллериясини ишга солди. Натижада «Хизбуллоҳ» мазхаби муассасаларигина эмас, балки, Лубнон президенти қароргоҳидан атиги 10 километр масофада бўлган электр станцияси ҳам зарбага учради. Тир шаҳри яқинида «тез ёрдам» машинаси пачоқланди. Ҳалок бўлганлар орасида тўрт нафар болакай ҳам бор эди.

Икки ўртада бошланган уруш натижасида халқ бесаранжомлиги авжига чиқди. 200 мингга яқин лубнонликлар ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.


«Хизбуллоҳ»чилар ёҳудийлар билан ҳеч қандай муроса бўлиши мумкин эмас, деган шиор остида Исроилнинг ички ҳудудларига «Катюша» тоифасидаги ракеталарни ота бошладилар. 70 нафар фидойи Қуръонни қўлига олиб, ғози бўлиш учун қасам ичди.

Шу орада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши мажлиси чақирилди. Лекин, у бирон-бир қатъий қарор қабул қилмади. Исроил ташқи ишлар вазири Эхуд Барак Байрут «Хизбуллоҳ»ни жиловлаши лозим, акс ҳолда Лубноннинг исталган ҳудудига зарба урилади, деб таҳдид қилди. Лубнон Бош вазири Рафиқ Ҳаририй Дамашқ ва Парижга сафар қилди. Франция Президенти Жан Жак Ширак ҳамда Сурия Президенти Хафиз Ал-Асад можароли воқеага қай тарзда аралашиш йўлини изламоқдалар. «Хизбуллоҳ» ҳатти-ҳаракатлари жиловланмаса, Исроил билан қўшни араб давлатлари ўртасида яна катта уруш бошланиб кетиши ҳавфи туғилмоқда.

УРУШ ТЎХТАТИЛДИ. УРУШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ШУ ЙИЛ 31 март куни Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцин Чеченистондаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекиб, «ойнаи жаҳон» орқали бугундан бошлаб уруш ҳаракатлари тўхтатилади, Федерал қўшинлар Чеченистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилади, деб эълон қилди.

Жуда кўп қурбонларга, вайронагарчиликларга, ғамаламларга сабаб бўлаётган уруш ниҳоят тўхтатиладиган бўлди, деб одамлар бир қадар хурсанд бўла бошладилар. Афсуски, бу кайфият узоққа чўзилмади. Бош қўмондон буйруғидан кейин 20 кунга яқин муддат ўтган бўлса ҳам Чеченистондаги уруш тўхтагани йўқ. Тинч қўрғонлар самолётлардан бомбардимон қилинмоқда, қуруқликдаги қўшинлар белгиланган қўрғонлар ва шаҳарчаларни қуршаб олиб, жазо чораларини кўрмоқдалар. Шундай қилиб, Чеченистондаги уруш ҳаракатлари ҳали-вери тўхтамайдиганга ўхшамоқда. У ерда тинчлик ўрнатиш мақсадида тузилган ишчи комиссиялар, воситачи қилиб белгиланган юқори мартабали шахслар ҳам бирон-бир самарали натижага эришганларича йўқ.



ИСРОИЛ: Рош-Пина қўрғонидаги дўкон олдида.

Борис КАРМИ олган сурат.

АМАЛ ТАЛАШИШДА ҚУРБОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

ЛИБЕРИЯ Африка қитъасининг жанубий-шарқида жойлашган мамлакатларнинг биридир. Унинг ҳудуди 111 минг квадрат километрга тенг. Аҳолиси салкам 3 миллион кишини ташкил этади. Бу ерда ҳам мана бир неча йилдирки, амал талашаётган гуруҳ раҳбарлари ўртасидаги фуқаролар уруши шу кунларда яна бошқатдан авжига чиқди. Сўнгги кунлардаги жанглар, айниқса, мамлакат пойтахти Монровияда катта вайронагарчиликларга олиб келди.

Одамлар отишмалардан чўчиб, ўз масканларидан ташқарига чиқа олмаётирлар. Сув ва электр қуввати бериш тўхтатиб қўйилди. Озиқ-овқат магазинлари бўмбўш. Шаҳарда вабо касаллиги тарқалиши хавфи кучаймоқда. Мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми қўшни мамлакатларга бош олиб кетмоқда. 1989 йилда бошланган Жонсон ва Тейлор ўртасидаги амал талашиш тўқнашувларининг қачон тамом бўлишини ҳеч ким айтиб бера олмаётир. Бу мамлакатга инсонийлик ёрдами кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакилларининг «ажал ўлкаси»ни ташлаб чиқиб кета бошлаганликлари ҳам яхшиликдан нишона эмас.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● АҚШ Президенти яқинда Москвага сафар қилиш тараддудини кўрмоқда. Шарҳчилар Б. Клинтоннинг бу ташрифидан асосий мақсад Б. Ельциннинг яна қайта президент этиб сайланишига ижобий туртки беришдир, деб ҳисобламоқдалар.

● ЭРОН Форс кўрфазида ҳарбий машқлар ўтказишга киришди. Бундан мақсад ҳарбийларни ядровий, бактериологик ҳамда кимёвий ҳужумнинг олдини олишга тайёрлашдир.

● МИСР Давлат хавфсизлик суди ушбу мамлакат фуқароси Амир Салмонни умрбод каторга ишларига ҳукм қилди. У Исроил фойдасига жосуслик қилишликда айбланди.

● АМЕРИКА қўшиқчиси — поп юлдузларидан бири Мадонна хоним яқинда ўзининг тўнғич фарзандини кўради. Боланинг отаси қўшиқчининг мураббийси Карлос Леон, деб ҳисобланмоқда. Лекин, улар ҳанузгача қонуний никоҳдан ўтмаганлар.

● БУТУНЖАҲОН Боксерлик Кенгаши наздидаги жаҳон чемпиони Майк Тайсон яқиндагина хибсдан озод этилган эди. У қора танли толибанинг иззат-нафсига текканлиги учун қамалган эди. Унинг машҳурлиги қамоқдан барвақт — уч йилдан кейиноқ чиқишига сабаб бўлди. Яна тўрт йил ичида машҳур чарм қўлқоп устаси синовдан ўтиши лозим эди.

Лекин, яқинда Индиана штатилик Гэри исмли 25 яшар аёл Тайсон менинг иззат-нафсимга тегиш мақсадида ҳужум қилди, деб айтди. Айни кунларда полиция воқеанинг тафсилотини аниқлаш учун тергов ишларини олиб бормоқда.

● МИСРЛИК Ҳасан Умар деган киши кўҳна Миср пойтахти Фива яқинидаги Луксор шаҳрида жойлашган қадимий мақбара ичига кириб, яшай бошлади. Мурдалар қароргоҳи бўлган жойдан уни чиқариб юбориш осон бўлмаётир. Менга бу ерда яшаш жуда ёқмоқда, — деди Ҳасан, — зеро, менга иссиқ ҳам, совуқ ҳам таъсир қилмайди. Бўш пайтларимда қадимий осори-атиқаларни сотиш билан машғул бўлмоқдаман.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
10 — 11 май соат 18.00
12 май соат 14 ва 18.00 да
Республикада хизмат кўрсатган артист
МИРЗАБЕК ҲОЛМЕДОВ
ҳамда
Маҳоратли,
Истеъдодли,
Роса
Завқли
Одамлар
ТЕАТРИ
ва меҳмонлар: Матёқуб МАТЧОНОВ, Болтабой ТОШМАТОВ, Равшан ЖЎРАЕВ ва кўқонлик Тоҳирбек МАҲКАМОВ иштирокида
КАТТА ТОМОША
Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида ва метронинг «М. Горький» бекатида соат 10.00 дан 18.00 гача сотилади. Жамоалардан жам бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-56-07, 44-79-61, 44-24-37, 45-92-51.

ГАЗНИ ТЕЖАНГ!
УНДАН ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИНГИЗНИНГ ГАРОВИДИР!
РЎЗҒОРДА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА БАХТСИЗ ХОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ АСОСИЙ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ.
● Газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларини билмайдиганлар болаларнинг газдан фойдаланишларига йўл қўйманг.
● Ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг, чунки авария ҳолатларида қувур ўчириб қўйилганда хонада газ тўпланиб қолиши мумкин.
● Сув иситадиган ҳамда иситиш қозонлари автоматикасининг хавфсиз ишлаётганлигини текшириб туринг.
Газ плитасидан фойдаланганда қуйидагиларга амал қилинг:
конфорка устига тағи чуқур идишларни қўйманг;
Духовка шкафидан фойдаланишдан олдин уни шамоллатинг, гугурт чақиб горелкасига тутинг, сўнгра эса керакли жўмрагини бураб очинг. Горелка ўчиб қолса, уни қайтадан ёқишдан олдин духовка шкафини яхшилаб шамоллатинг;
УНУТМАНГ, хоналарни иситиш учун газ плитасидан фойдаланиб, Сиз ўз саломатлигингизга зиён келтирасиз, чунки ёқилган газ қолдиғи хонада йиғилиб қолади.
● Сув айланиб турадиган ҳамда суви қайнаб иситадиган асбобларни ишлатишдан олдин ва ишлатиб бўлгандан сўнг дудбуронннинг тортиш кучини текширишни эсдан чиқарманг. Агар яхши тортмаётган бўлса ёқилган газ чиқиндиси бинога киради ва бахтсиз ҳодисага сабаб бўлади. Дудбуронда тортиш кучининг бор-йўқлиги гугурт чақиб текширилади.
● Балонли газдан фойдаланганда босимни бошқарувчи ва бириктирувчи шлангларининг қанчалик тўғри ишлаётганлигини кузатинг. Газ балонларининг олов ва иссиқлик манбалари яқинида сақланишига йўл қўйманг.
● Газ балонларини дуч келган одамдан сотиб олманг, чунки бундай балонлар фойдаланиш учун қанчалик яроқли эканлигига кафолат йўқ.
Газ балонларини шу мақсадга мўлжалланган махсус жойлардагина сақланг.
● Кўп қаватли иморатларда газ балонларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қатъий таъқиқланади. Бир хонадонда хавфсизлик қоидасининг бузилиши бутун бошли бир уйда бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин.
● Газ асбобларини шаҳар (туман) газ идоралари рухсатисиз ўзбошимчалик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш таъқиқланади. Газ асбобларини ўрнатиш бўйича зарур талабларни бажармаслик ёнғин, портлаш, заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин.
● Хонада газ ҳиди сезилганда зудлик билан газ асбоби олдидаги жўмракни беркитинг, хонани шамоллатинг, электрдан фойдаланманг, гугурт чақманг, ҳамда зудлик билан шаҳар (туман) газ аварияэдиспетчерлик хизматига хабар беринг.
ИШОНАМИЗКИ, СИЗ РЎЗҒОРДА ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАСИЗ ВА БУ СИЗГА ЎЗ СОҒЛИГИНГИЗ ВА БОЙЛИГИНГИЗНИ САҚЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.
«ТОШВИЛОЯТГАЗ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Тошкент Давлат консерваторияси томонидан 1992 йилда Ҳуснитдин Сайфитдинович Камолов номига берилган рўйхатдан ўтиш рақами 7306 бўлган ФВ 936063 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Делон — Л» шахсий фирмаси 17 апрелдан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой муҳлат ичида қабул қилинади.
Телефон: 47-18-29.

ҲАФТАЛИК TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 22

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон телевидениесининг барча каналларида профилактика ўтказилиши сабабли, душанба 22 апрель куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 17.55 дан бошлаб намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 I. «Миллат». «Кўзгудаги ҳақиқат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 2. «Миллат». «Уни ким уйғотади?». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.55 «Сен баҳорни соғинмадингми?». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Армудлар». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 22.00 — 22.20
*
22.20 «Чўл тимсоҳи», «Байрамали». Телефильмлар.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультикарусель».
18.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
19.40 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
20.10 Эълонлар.
20.15 «Дунё эшиги». Бевосита мулоқот.
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинематограф».
22.10 «Тиббиёт ҳамма учун».
22.45 «5+1».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 8-серия.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Талабалик йилларим». Таҳлилий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тадбиркорлар ҳаётидан лавҳалар.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Элизабет Тэйлор.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Улғайиш поғоналари». Тележурнал.
18.35 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.05 «Фан фидойилари». Юридик фанлари доктори, профессор Икром Зокиров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Автоолам». Телелавҳа.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
21.55 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
22.45 «Хўжа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Теннис-клуб».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.25 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қўқон ёдгорликлари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Бу ажиб дунё».
21.55 «Райҳон Қосимова рақсга тушади». Фильм-концерт.
22.15 «Палиостоми кўли». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 22.25 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультикарусель».
18.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.05 «Дунё ва болалар».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Уй остонадан бошланади».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Ўзбекистон компьютери: бугуни ва келажаги».
22.40 «Мушоҳада учун мавзу». Публицистик кўрсатув.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 24

ХАЛҚАРО ЁШЛАР БИРДАМЛИГИ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
9.20 «Хўжа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Маърифат маскани». Ёшларнинг тафаккур дунёси.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.30 Адабиёт.
*
12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35 «Ассалом, япон тили!».
13.15 «Мен ёшликман...». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат шайдолари». Телебеллашув.
18.50 Спорт хабарномаси.
19.00 «Ёшлар ва замон». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Дилдаги гаплар». Муҳриддин Холиқов.
22.15 «Бўстон». Телевизион журнал.
23.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Мусаввир нигоҳи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Бугуннинг гаплари». Мусиқий-публицистик дастур.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер — Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Баҳор». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Севишганлар». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси 23.00 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Рақслар қанотида». Хитой рақс санъати.
19.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
20.15 Эълонлар.
20.20 «Тошкент оқшомида».
21.20 «Ер» сайёраси.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилдаги гаплар». Муҳриддин Холиқов.
9.25 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари». Телеҳикоя.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 «Хоразм халфалари». Мусиқий дастур.
12.00 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
12.30 Кураш. Осиё чемпионати.
13.00 Диққат, премьера: «Истеъдод. Розия Абдуҳаирова». «Ўзбектелефильм». Фильм-концерт.
13.30 «Тафаккур». Тележурнал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
17.50 «Уйинкаро болалар». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инсон болаликдан бошланади». Ўзбекистон телевидениеси ҳамда «Халқ сўзи» газетасининг биргаликдаги рейди.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Марказий Осиё: тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида.
22.35 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.15 Спорт дастури: 1. Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. 2. Теннис-клуб.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармед».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Батабат». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Улоқ», «Сеҳрли йилқи». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 Спорт янгиликларининг эстафетаси.
22.50 — 22.55 Эълонлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Иштирок этувчилар».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Кўркам Сакура».
20.55 «Каталог».
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Компьютер-ревю».
22.00 «Бу бўстон аро...».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Туризм-ревю».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.50 «Оловдан эҳтиёт бўл, болажон!»
9.10 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Ислоҳот ва масъулият». Изланишлар самараси.
11.05 «Истеъдодлар байрами». Иқтидорли ўқувчиларнинг V Республика слёти.
11.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тошкент». Манзарали фильм.
12.10 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
12.25 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
13.00 «Мўлжал». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». Публицистик кўрсатув.
18.40 «Бозор ва мулкдор».
19.05 «Туркистон — умумий уйимиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Кеча ва бугун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Баҳор наволари». Мусиқий дастур.
21.35 «Ишингиз бароридан келсин!».
22.25 Олтин мерос. «Санъатим — халқим учун». Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.50 «Бешинчи руҳн». Маърифий-ҳужжатли фильм.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Жума тақвими».
18.40 «Муаллиф».
18.50 «Юлдузлар».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.50 «Унутилган қўшиқ», «Балкон». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси 22.00 — 22.20
*
22.20 «Умр — оқар дарё...». Ҳужжатли фильм. Ботир Зокиров хотирасига бағишланади.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.20 «Дорихона эшитади...». Бевосита мулоқот.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Сени севаман, Тошкент!».
20.30 «Оқшом учрашувлари». Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг 70 йиллигига.
21.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.45 «Бизнес-академия».
22.10 «Тошкентнома».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Ҳайдар Муҳаммад.
9.15 «Оламни асранг!». Мусаффо ҳаво учун.
9.45 «Театр учрашувлари». А. Мажидий номидаги Каттақўрғон театри ҳақида.
10.30 «Абадият қўшиғи». Публицистик кўрсатув.
11.20 Болалар учун. «Ўйнаймиз-у ўйлаймиз». Телетанлов.
12.10 «Томошабин мактублари».
12.40 «Нури иймоним». Носир Алимаҳсумов куйлайди.
13.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10 — 15.40 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Еттига — етти». Телебеллашув.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 «Эъзоз». Телеочерк.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 9-серия.
21.30 Мустафо Бафоев, Абдулла Орипов. «Ҳажнома». Оратория.
22.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.10 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сири».
10.55 «Сизнинг услуб».
11.10 «Автосалон».
11.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 — 14.50 «Спорт-қитъаси».
***
18.00 «Совға».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил».
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

17.35 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 17.45 — 20.40
*
20.40 «Жонли сайёра».
21.00 «Ҳаммаси Битлз ҳақида». Мусиқий фильм. I-қисм.
*
Россия давлат телевидениеси 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.05 «Қирдаги суворийлар». Бадиий фильм.

IV

10.00 «Азиз». Болалар учун фильм.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Дўстлик сарҳад билмайди».
11.50 «Айчурек» (қирғиз тилида).
12.30 «Кашфиётлар ва ихтиролар».
13.05 — 13.45 «Ирэндек» (бошқирд тилида).
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 Монитор-«Осиё».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Британия кундалиги».
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 28

ИЙД ҚУРБОН МУБОРАК!

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 9-серия.
11.30 «Шоҳрух» клуби.
12.00 «Хотира». Тарихчи олим Алимардон Абдулҳамидов.
12.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.10 — 15.40 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.20 «Шукрона».
18.45 «Ойнаи жаҳонда...».
19.05 «Ҳар зарбидан бир қўшиқ сизиб чиққан доирам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табаррук қадамжолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Маърифатнома». Ийд Қурбон муборак!
21.45 Мумтоз куйлардан концерт.
22.25 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 10-серия.
22.55 «Савоб билан бутундир дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 — 00.30 «Теннис-клуб».

II

9.00 «Эртаклар оламига саёҳат».
9.20 «Муаллиф».
9.30 «Оҳанглар оғушида».
9.35 «RAKS» тақдим этади.
10.05 «Ривоят».
10.15 «Мафтункор чеҳралар».
10.35 «Таманно».
10.45 «Олам».
11.25 «Ал-Биширининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.20 «Мактуб».
12.30 «Имкон чўққилари».
12.50 «Кўнгил».
13.20 Видео янгиликлари.
13.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.20 — 16.00 Видео — «О».
***
17.30 «Келгуси ҳафтада».
17.45 Эълонлар.
17.50 «LEGO» сайёраси.
18.15 «Ал-Биширининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Фармед».
21.50 «Оҳанглар оғушида».
21.55 «Даракчи».
22.05 «Келгуси ҳафтада».
22.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.25 Видео — «О».

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.05 — 21.50
*
21.50 «Ҳаммаси Битлз ҳақида». Мусиқий фильм. 2-қисм.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.20 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
12.40 «Менинг кучам...».
12.55 «Жонли сайёра».
13.15 — 13.55 «Чинсэн».
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
19.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.20 Эълонлар.
20.25 «Эсдалик учун [illegible]».
20.50 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
21.10 «Миср: кеча ва бугун». 7-кўрсатув.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Саҳий хонадонда».
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ФУТБОЛИМИЗНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Бугун футбол бўйича Ўзбекистон V миллий биринчилиги ўйинлари бошланади

МАНА, ниҳоят кўп сонли футбол мухлислари кутган янги мавсум ҳам келди. Бугун мамлакатимизнинг етти шаҳри — Тошкент, Наманган, Бухоро, Ургенч, Термиз, Марғилон, Косонсой ўйингоҳларида биринчиликнинг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтади. Эртага эса вилоятимиз вакиллари «Дўстлик» жамоаси футболчилари ўз майдонларида Янгиернинг «Янгиер» клубини қабул қиладилар.

Мамлакат V чемпионати бу йил қарийб бир ой кечикиб бошланаётган бўлса-да, мухлислар зерикиб қолмадилар. Эрта баҳорданоқ яшил майдонларга чиқиб, машғулот ўтказган жамоалар, вақти-вақти билан ўзаро келишиб, ўртоқлик учрашувларини ҳам ўтказдилар. Мамлакатимизда бир қатор чет эл жамоалари, шу жумладан, Россия футбол клублари мавсумолди машқларини ўтказаётганликларидан фойдаланишиб, улар билан ҳам синов учрашувларини ташкил этдилар. Сўнгра Ўзбекистон кубок беллашувларининг биринчи ва иккинчи босқич баҳслари бўлиб ўтди. Ана шу ўйинларда олий табақада вилоятимизнинг ягона вакили бўлган «Дўстлик» ўз ўйинлари билан мухлисларини мамнун этди. Жамоамиз вакиллари бошланаётган биринчилик ўйинларини ҳам кўтаринки руҳ ва шай ҳолатда кутиб оляптилар.

Бу йилги футбол мавсуми ўйинчиларга, мураббийларга, таъсисчилару ҳомийларга ўзгача масъулият, ўзгача руҳ бағишлаган. Бунинг боиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўлди. Мутасадди раҳбарлар бу қарорни бажаришда қисқа вақт ичида бир қатор ибратли тадбирларни амалга оширдилар. Мамлакатимиздаги кўплаб ўйингоҳлар қатори «Дўстлик» спорт комплекси ҳам тубдан қайта таъмирланди. Ўйингоҳга келишингиз биланоқ бу ерда амалга оширилган ишлар кўламини кўриб қувонасиз. Ўйингоҳ олдидаги сўлим дарахтзор атрофи тозаланди, енгил автомашиналар учун махсус жой ҳозирланди, йўллар асфальтланди. Ўйингоҳ эса халқаро талаб даражасига келтирилди. Бир сўз билан айтганда бу ерда ҳақиқий ҳордиқ чиқаришингиз ва футболни мароқ билан томоша қилишингиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Ўйингоҳни қабул қилиб олган ҳакамлар ҳам унинг тайёргарлигига юқори баҳо бердилар.

Янги мавсум олдидан жамоа раҳбарлари билан суҳбатда бўлдик. Улар бир овоздан футболга эътибор тобора ортаётганлигини, зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигини мамнунлик билан таъкидладилар. Жамоанинг бош мураббийси Рустам Мирсодиқов, унинг ёрдамчилари Маҳмуд Раҳимов, Илья Кожбахтиев, Евгений Валицкийлар мавсумолди тайёргарлигидан қониқиш ҳосил қилганликларини таъкидлашди. Бу йил жамоа бир қатор ёш қобилиятли ўйинчилар билан тўлдирилди. Жумладан Рустам Шоймардонов ва Отабек Пирматовлар ҳозирдаёқ жамоанинг асосий таркибидан жой олдилар. 19 ёшли дарвозабон Евгений Сафонов, ҳимоячи Сергей Пак, 18 ёшли Михаил Ан («Пахтакор» жамоасининг собиқ ярим ҳимоячиси, машҳур футболчи Аннинг ўғли), Отабек Набиев, Темир Сулаймоновлар шулар жумласидандир. Келажагига катта умид боғлашаётган Е. Сафонов, С. Пак, О. Набиев ҳамда Т. Сулаймоновлар айни вақтда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафидан ҳам жой олганлар. Шунингдек, бу йил Авазбек Хошимов ҳам ўз жамоасига қайтиб келди. «Навбаҳор» ўйинчиси Фарид Хабибулин ҳам «Дўстлик» сафида ўйнаш истагини билдирди.

Ўйингоҳ маъмурияти ўтказиладиган ҳар бир учрашув чинакам футбол байрамига айланиши учун бир қатор тадбирлар белгилаган. Учрашувдан олдин ва танаффус пайтларида етакчи спортчиларнинг чиқишларини уюштириш билан бирга таниқли санъаткорларни таклиф этиш ҳам режалаштирилган. Эртага «Дўстлик» жамоасининг «Янгиер» футболчилари билан учрашуви олдидан ўйингоҳга йиғилган мухлислар Ўзбекистон халқ артисти, хонанда Шерали Жўраев иштирокида концерт ҳам томоша қиладилар.

Ўйингоҳга келинг, дам олинг, ҳордиқ чикаринг, севимли жамоангизни қўлланг. Футболчилар эса сиз, азиз мухлисларга чиройли ўйин кўрсатиш ниятидалар.



Суратда: «Дўстлик» жамоаси аъзолари.

«ДЎСТЛИК» ҲУЖУМКОР ЎЙИН КЎРСАТМОҚЧИ



Ҳужумчи Жаъфар ИРИСМЕТОВ бу йил ҳам жамоа сардори бўлиб қолиш ниятида.



Герман БЕЗДЕНЕЖНИХ: — Дарвозани ишончли қўриқлашга ваъда бераман.



«ДЎСТЛИК» ўйингоҳини қайта таъмирлашда 25 йилдан бери сувоқчилик қилиб келаётган тумандаги хўжаликлараро 12-механизациялашган кўчма колонна ишчиси Бахтиёр Эргашев муносиб ҳисса қўшди.

Биринчи турда «Ғазалкент» ўз майдонида Шаҳрисабзнинг «Ҳисор», Чирчиқ футболчилари эса Сирдарё вилоятининг «Гулистон», «Роҳат» жамоаси Зафарободнинг «Зафар» футболчиларини қабул қилишади. «Металлург» Шўрчида «Тегирмончи», «Бўкалик» эса Хивада «Гиламчи» жамоалари меҳмони бўладилар.

ОМАД ТИЛАЙМИЗ

БУГУН ва эртага олий табақа вакиллари янги мавсумнинг биринчи тур ўйинларини ўтказишса, душанба куни эса биринчи табақа вакиллари ҳам майдонга тушадилар. Маълумки, бу гуруҳда вилоятимиз спорт шарафини беш жамоа ҳимоя қилади. Булар Бўстонлиқнинг «Ғазалкент», Чирчиқнинг «Кимёгар», Қибрайнинг «Роҳат», Бекободнинг «Металлург» ва ўтган йили даъвогарлар баҳсида ғолиб чиқиб, кучлилар сафига қўшилган Бўканинг «Бўкалик» жамоаларидир.

ЮТУҒИДАН ҚУВОНАМАН, МАҒЛУБИЯТИГА ШЕРИКМАН

Абдукарим УСМОНОВ, «Мангу» кичик корхонаси раҳбари муовини

«ДЎСТЛИК»нинг азалий мухлисиман. Авваллари «Политотдел» номи билан майдонга тушган бу жамоанинг ҳар бир ўйинини кўрмай қолмайман. Ҳар бир жамоанинг содиқ мухлислари бўлганидек мен ҳам «Дўстлик»нинг жонкуяр, узоқ йиллардан бери ҳақиқий мухлисидирман. Унинг бугунги ҳаёти, эртанги кунги режалари билан ҳам қизиқаман. Шунинг учун жамоада рўй бераётган ҳар бир янгиликдан бохабар бўлишга ҳаракат қиламан. Ким кетди, қайси ўйинчилар қабул қилинди? Мабодо бирор ўйинчи шикастланиб қолса, соғлиғини суриштираман. Бир сўз билан айтганда нафақат майдондаги ўйинини, балки унинг ҳаёт тарзини ҳам билишга қизиқаман. «Дўстлик» ўйнаган кун мен учун бамисоли бир байрам. Ютса ўзим ҳам, уйдагилар ҳам хурсанд. Ютқазса... Ахир машҳур қизиқчи, телемиатюра устаси Эргаш Каримов ижро этган футбол мухлиси образи прототипини бизга ўхшаган ашаддий мухлислардан олган-да.

МУХЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ

Маҳмуд РАҲИМОВ, «Дўстлик» клуби жамоаси бошлиғи

Муаллиф ҳақида: Олий тоифадаги устоз. Ўзбекистон ўсмир, ёшлар терма жамоаларида ўйнаган. Жамоа бош мураббийси Рустам Мирсодиқов билан ҳамфикр, маслакдош, тенгқур, жисмоний тарбия олийгоҳида бирга таҳсил олган. Мана, беш йилдирки бирга жамоага раҳбарлик қилишмоқда.



ФУТБОЛГА эътибор ҳар қачонгидан кучайганлигини қувонч билан таъкидламоқчиман. Айниқса бу борада республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишимизни жонлантиришга, унинг савияси ва даражасини кўтаришга муҳим омил бўлди. Биз ана шу қарор асосида иш юритяпмиз. Таъсисчилар, ҳомийлар кўмагидан баҳра олиб, 1997 йил охирида клубимизни тўла ўз-ўзини таъминлашга ўтишга эришмоқчимиз.

Ўйинчилар билан шартнома асосида иш олиб боряпмиз. Қарорда таъкидланганидек клубимизда ёш ўринбосарларни тайёрлашга жиддий эътибор беряпмиз. 16—18 ёшдаги иқтидорли ўйинчилардан иккинчи жамоани тузишни режалаштирганмиз. Бу йил Тошкентдаги Герман Титов номли интернат-мактабнинг бир неча талабаларини жамоамизга қабул қилдик.

Жамоа режасига келганда эса ўтган йилдагидан кўра юқорироқ ўринни кўзлаяпмиз. Биламиз, «Пахтакор», МҲСК, «Нефтчи», «Навбаҳор», «Нурафшон» сингари кучли жамоалардан ўзиш осон иш эмас. Лекин ҳеч бўлмаганда ана шу жамоаларнинг бир-иккитасини ортда қолдириш мумкин-ку! Ахир 1994 йилги мавсумда «Пахтакор»дан ўзиб кетгандик-ку! Бир сўз билан айтганда бу йил мухлисларга чиройли ўйинлар ҳадя этиб, пировард натижада ўтган йилдагидан юқорироқ ўринни эгаллаш ниятидамиз.

КУЧЛИЛАРНИНГ ЖАҲОН КЎРИГИ



Атлантада ўтадиган XXVI ёзги олимпия ўйинлари бошланишига ҳам роппа-роса уч ой вақт қолди. Шу кунларда жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтаётган саралаш учрашувларида спортчилар олимпияга йўлланма учун баҳслашмоқдалар. Куп сайин олимпиячилар сафи кенгайиб боряпти. Мана, бугунги кунга келиб Ўзбекистондан олимпияга борадиган спортчилар сони 55 тага етди. Бу рақам ҳали ошиши муқаррар! Катта эзгу ният ила шайланиб турган даъвогарлар ҳали кўп.

ОЛИМПИЯЧИЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

КУНИ КЕЧА Пекинда эркин кураш ва юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон полвонлари муваффақиятли қатнашиб, Атланта олимпиадасига 9 та йўлланмани қўлга киритдилар. Эркин курашчиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни олишди. Бу ғалабага вилоятимиз вакиллари айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Жумладан, Тошкент вилояти вакиллари, 52 килограммгача вазнлилар баҳсида қатнашган Атҳам Очилов, 68 килограммгача вазнлилар баҳсида Борис Будаев ҳамда 130 килограммдан юқори вазнда Олег Наниевлар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқорисига кўтарилиб, чемпион бўлишди ва олтин медал билан тақдирландилар. Яна бир вакилимиз Руслан Хинчагов ҳам (82 килограмм) чемпионлик шоҳсупасига кўтарилди. Дамир Захардинов ҳамда Рамил Исломовлар ҳам олимпия йўлланмаси эгаси бўлишди.

Юнон-рум кураши баҳсларида Тошкент вилояти вакили, оғир вазнли Шермуҳаммад Қўзиев командадош дўстлари самарқандлик Шамсиддин Худойбердиев ва Григорий Пуляевлар билан олимпия йўлланмасига сазовор бўлишди.

ОСИЁ РЕКОРДИ, МЕДАЛ ВА ЙЎЛЛАНМА

ЯПОНИЯНИНГ Шиба шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган Осиё биринчилигида Ўзбекистон вакиллари катта зафар қучишди. 108 килограммгача вазнлилар баҳсида Григорий Лейбман икки курашда 420 килограмм натижа билан кучли учликка кирди. Бу полвон даст кўтаришда 195 килограммлик натижага эришиб, Осиё рекордини ўрнатди. Игорь Халилов ҳам иккита бронза совриндори бўлди. У даст кўтаришда 185 килограмм, силтаб кўтаришда 232,5 килограммлик натижа кўрсатди. Бахтиёр Нуриллаев билан Алишер Ўруновлар ҳам силтаб кўтаришда биттадан кумуш медал совриндори бўлдилар.

Нодир Сулаймонов ва Григорий Лейбман ҳурмат шоҳсупасига кўтарилиш билан бирга Атланта олимпиясига йўлланмани ҳам қўлга киритдилар.

Футбол бўйича олий табақа командалари ўртасида Ўзбекистон V миллий чемпионати ўйинлари тақвими

БИРИНЧИ ДАВРА

I ТУР
20 апрель (шанба)
«Атласчи» (Марғилон) — «Нефтчи» (Фарғона)
«Нурафшон» (Бухоро) — «Машъал» (Муборак)
«Динама» (Ургенч) — МҲСК (Тошкент)
«Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Самарқанд)
«Косонсой» (Косонсой) — «Наврўз» (Андижон)
АСК (Термиз) — «Сўғдиёна» (Жиззах)
«Навбаҳор» (Наманган) — «Трактор» (Тошкент)
21 апрель (якшанба)
«Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Янгиер» (Янгиер)
II тур
24 апрель (чоршанба)
«Нефтчи» — «Сўғдиёна»
«Наврўз» — АСК
«Динамо» (С) — «Косонсой»
«Трактор» — «Пахтакор»
«Янгиер» — «Навбаҳор»
«Машъал» — «Динамо» (Ургенч)
25 апрель (пайшанба)
МҲСК — «Дўстлик»
«Алтасчи» — «Нурафшон»
III ТУР
28 апрель (якшанба)
АСК — «Динамо» (С)
«Сўғдиёна» — «Наврўз»
«Пахтакор» — «Янгиер»
«Косонсой» — «Трактор»
29 апрель (душанба)
«Нурафшон» — «Нефтчи»
«Динамо» (У) — «Атласчи»
«Дўстлик» — «Машъал»
«Навбаҳор» — МҲСК
8 МАЙ (ПАЙШАНБА) ОСИЁ КУБОГИНИНГ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИ ТОЖИКИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН
IV ТУР
12 май (якшанба)
«Нефтчи» — «Наврўз»
«Динамо» (С) — «Сўғдиёна»
«Трактор» — АСК
«Янгиер» — «Косонсой»
«Машъал» — «Навбаҳор»
«Нурафшон» — «Динамо» (У)
13 май (душанба)
МҲСК — «Пахтакор»
«Атласчи» — «Дўстлик»
V ТУР
16 май (пайшанба)
«Динамо» (У) — «Нефтчи»
«Дўстлик» — «Нурафшон»
«Навбаҳор» — «Атласчи»
АСК — «Янгиер»
«Сўғдиёна» — «Трактор»
«Наврўз» — «Динамо» (С)
17 май (жума)
«Пахтакор» — «Машъал»
«Косонсой» — МҲСК
VI ТУР
22 май (чоршанба)
«Нефтчи» — «Динамо» (С)
«Трактор» — «Наврўз»
«Янгиер» — «Сўғдиёна»
«Нурафшон» — «Навбаҳор»
«Динамо» (У) — «Дўстлик»
«Машъал» — «Косонсой»
23 май (пайшанба)
МҲСК — АСК
«Атласчи» — «Пахтакор»
VII ТУР
26 май (якшанба)
«Дўстлик» — «Нефтчи»
«Навбаҳор» — «Динамо» (У)
«Наврўз» — «Янгиер»
«Динамо» (С) — «Трактор»
27 май (душанба)
«Сўғдиёна» — «МҲСК»
АСК — «Машъал»
«Пахтакор» — «Нурафшон»
«Косонсой» — Атласчи»
VIII ТУР
30 май (пайшанба)
«Нефтчи» — «Трактор»
«Янгиер» — «Динамо» (С)
31 май (жума)
МҲСК — «Наврўз»
«Машъал» — «Сўғдиёна»
«Нурафшон» — «Косонсой»
«Динамо» (У) — «Пахтакор»
«Атласчи» — АСК
«Дўстлик» — «Навбаҳор»
IX ТУР
6 июнь (пайшанба)
«Навбаҳор» — «Нефтчи»
«Пахтакор» — «Дўстлик»
АСК — «Нурафшон»
«Сўғдиёна» — «Атласчи»
«Наврўз» — «Машъал»
«Динамо» (С) — МҲСК
7 июнь (жума)
«Косонсой» — «Динамо» (У)
«Трактор» — «Янгиер»
X ТУР
11 июнь (сешанба)
«Нефтчи» — «Янгиер»
МҲСК — «Трактор»
«Машъал» — «Динамо» (С)
«Нурафшон» — «Сўғдиёна»
«Динамо» (У) — АСК
«Навбаҳор» — «Пахтакор»
12 июнь (чоршанба)
«Атласчи» — «Наврўз»
«Дўстлик» — «Косонсой»
19 июнь Осиё кубогининг саралаш учрашувлари
Ўзбекистон — Тожикистон
XI ТУР
22 июнь (шанба)
«Пахтакор» — «Нефтчи»
«Косонсой» — «Навбаҳор»
АСК — «Дўстлик»
«Сўғдиёна» — «Динамо» (У)
«Наврўз» — «Нурафшон»
«Динамо» (С) — «Атласчи»
«Янгиер» — МҲСК
23 июнь (якшанба)
«Трактор» — «Машъал»
XII ТУР
26 июнь (чоршанба)
«Нефтчи» — МҲСК
«Нурафшон» — «Динамо» (С)
«Динамо» (У) — «Наврўз»
«Дўстлик» — «Сўғдиёна»
«Навбаҳор» — АСК
27 июнь (пайшанба)
«Машъал» — «Янгиер»
«Пахтакор» — «Косонсой»
«Атласчи» — «Трактор»
XIII тур
30 июнь (якшанба)
МҲСК — «Навбаҳор»
«Сўғдиёна» — «Машъал»
«Наврўз» — «Дўстлик»
«Динамо» (С) — «Динамо» (У)
1 июль
АСК — «Пахтакор»
«Янгиер» — «Атласчи»
«Трактор» — «Нурафшон»
«Косонсой» — «Нефтчи»
XIV ТУР
6 июль (шанба)
«Нефтчи» — «Машъал»
«Дўстлик» — «Динамо» (С)
«Навбаҳор» — «Наврўз»
«Нурафшон» — «Янгиер»
«Динамо» (У) — «Трактор»
7 июль (якшанба)
«Атласчи» — МҲСК
«Пахтакор» — «Сўғдиёна»
«Косонсой» — АСК
XV ТУР
10 июль (чоршанба)
«Динамо» (С) — «Навбаҳор»
«Трактор» — «Дўстлик»
«Янгиер» — «Динамо» (У)
11 июль (пайшанба)
«Наврўз» — «Пахтакор»
МҲСК — «Нурафшон»
АСК — «Нефтчи»
«Сўғдиёна» — «Косонсой»
«Машъал» — «Атласчи»

Сахифани «Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси Шарофиддин УМУРЗОҚОВ ва Даврон АҲМАД (сурат) тайёрладилар.


Бошқотирма

ТЎПДА ҲАМ ГАП КЎП

Жавоблар шаклда рақамли ҳоналар бўйича «занжир» ҳолида ёзиш билан машқ ҳал этилади.

1. Республикамиздаги таниқли футбол командаси. 2. Эришилган энг юқори натижа. 3. Тошкент вилоятидаги жамоа хўжалиги командаси. 4. Биринчи лига командаларидан бири. 5. Терма жамоа аъзоси, 1995 йил мавсумининг моҳир футболчиларидан бири. 6. Республикамизда учрашувлар ўтказган Голландия командаси. 7. Таниқли футбол мураббийси. «Нефтчи» командаси раҳбари. 8. Мамлакатимиз жанубий вилояти футбол командаси. 9. Ўзбекистонда илк командалар тузилиб футбол кенг ривожланган водий. 10. Германиянинг спорт буюмлари ишлаб чиқарувчи машҳур фирмаси. 11. Бухоро вилоятидан иштирок этаётган биринчи лига командаси. 12. Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА раҳбари. 13. Литва Республикасининг таниқли командаси. 14. Олий лига вакили.15. Бельгиянинг бир неча бор чемпиони, таниқли команда. 16. Футбол анжомн.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.*

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0186. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10327 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6